

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Жилонов Азизбек Абдубориевич

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш
тажрибасини республикада қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари

5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Доц. Р.Б.Саидов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	8
1.1. Глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиш моделли ва ислохотларининг асосий йўналишлари.....	8
1.2. Молиявий инқирознинг Хитой иқтисодиётига таъсири	17
1.3. Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши чора тадбирлари	25
1-боб учун хулоса.....	31
II БОБ. ХИТОЙНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ	33
2.1. Хитойнинг ташқи иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишлари	33
2.2 Хитойнинг ташқи савдони ривожлантириш сиёсати ва унинг натижалари таҳлили	39
2.3. Хитойга хорижий инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва омиллари	52
2-боб учун хулоса.....	58
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	60
3.1. Ўзбекистонда Хитойнинг ташқи савдони ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари	60
3.2. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида Хитой тажрибасининг аҳамияти	69
3.3. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари	77
3-боб учун хулоса.....	85
Хулоса ва таклифлар	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93
Иловалар.....	99

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли ва қарашлар концепциясига амал қилиб, иқтисодиётда туб институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнлари ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози республикамизнинг замонавий ривожланиши олдида янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам иқтисодий ривожланишнинг барқарор кўрсаткичларига эришмоқда. 2012 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.¹

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш жараёнида муҳим иқтисодий ютуқларга эришган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш модели хусусиятлари, ислоҳотлар мазмуни ва устувор йўналишларини чуқур тадқиқ қилиш ва унинг ижобий томонларидан фойдаланиш миллий хўжалигимизни юксалтиришида муҳим аҳамиятга эга.

Бу жиҳатдан Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатларининг, айниқса Хитой Халқ Республикаси (ХХР) тажрибаси алоҳида ўрин тутди. Чунки ХХІ аср бўсағасида унинг жаҳон хўжалиги ривожланишидаги роли ошиб бориб, жаҳон иқтисодий марказларидан бирига айланмоқда. Бу мамлакат ўзининг тез иқтисодий ривожланиши ва саноатлашиши билан ажралиб туради. Сўнгги ўн йилликларда ХХРда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар кутилган юқори натижаларни бермоқда.

Хитойда иқтисодий ислоҳотлар бир нечта босқичда амалга оширилиб, ушбу жараёнда ташқи иқтисодий алоқалар тизимини самарали йўлга қўйиш, унинг устувор йўналишларини белгилаш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Ташқи савдо алоқалари ва чет эл инвестициялари

¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

мамлакат иқтисодий ривожланишида муҳим омиллар бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Хитой иқтисодиёти барқарор юқори ўсишга эришиб, АҚШ каби қудратли мамлакатнинг асосий рақобатчисига айланди. Шу боис глобаллашув ва жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида унинг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш долзарб мавзулардан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хитой иқтисодиёти ва ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг турли жиҳатлари бир қатор хитойлик иқтисодчи-олимлар, жумладан У. Цзинлянь, Ю. Ши, У. Сяою, Чао Конг, россиялик олимлар Селишев А.С., Бергер Я.М., Потапов М. ва ўзбек олимларидан Д.Курбанов, Н. Тўхлиев, Н.Юсупов, Р.Шодиев, кабиларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Глобаллашув жараёнининг назарий ва методологик томонлари ҳамда ҳозирда давом этаётган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг асосий сабаблари ва оқибатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ва бошқа бир қатор ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар С.Ғуломов, Б. Ходиев, А.Бекмуродов, Б.Исламов, А.Расулев, Г. Саидова, Г. Назарова ва бошқаларнинг ишларида акс этган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Ишнинг асосий мақсади глобаллашув ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ХХРнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасини таҳлил қилиш асосида ундан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш ва ислохотлари хусусиятларини ўрганиш;
- Молиявий инқирознинг Хитой иқтисодиётига таъсири ва инқирозга қарши чора тадбирларини ўрганиш;

- Хитойнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш тажрибасини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда Хитойнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларини ўрганиш.

Илмий изланишлар объекти ва предмети. Хитой Халқ Республикаси иқтисодиёти тадқиқот объекти, Хитойнинг иқтисодий ривожланиш жараёнлари эса ишнинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фундаментал асарлари ва нутқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек республика ва чет эл олимларининг асарлари ва илмий изланишлари тадқиқотнинг назарий-услубий асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Хитой расмий статистика органлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг бирламчи статистик маълумотлари, шунингдек Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби халқаро ташкилотларнинг Интернет тармоғидаги таҳлилий-статистик шарҳлари ва бошқалар тадқиқотнинг ахборот базасидир.

Тадқиқот олиб бериш жараёнида иқтисодий гуруҳлаш, статистик, таққослаш ҳамда тегишли маълумотларни илмий умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Ишда келтирилган назарий ва амалий таклифлар республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва модернизация қилиш амалиётида қўлланиши мумкин. Шунингдек, магистрлик диссертацияси материалларидан «Жаҳон иқтисодиёти», «Халқаро

иқтисодий муносабатлар», «Халқаро савдонинг ривожланиш тенденциялари» каби фанлардан маъруза матнлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ҳозирги вақтда Хитойнинг барқарор иқтисодий ўсиш омиллари ва иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари аниқланган;
- жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг Хитой иқтисодиётига таъсири ва Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши чора тадбирлари таҳлил қилинган;
- глобаллашув шароитида Хитойнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш хусусиятлари ва омиллари аниқланган;
- Ўзбекистонда Хитойнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган;
- Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари аниқланган.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг «Глобаллашув шароитида Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиш модели ва ислохотларининг асосий йўналишлари, молиявий инқирознинг Хитой иқтисодиётига таъсири, Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши чора тадбирлари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Хитойнинг ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш хусусиятлари ва омиллари” деб номланган бўлиб, унда Хитойнинг ташқи иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишлари, Хитойнинг ташқи савдони ривожлантириш сиёсати ва унинг натижалари, Хитойга хорижий инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва омиллари таҳлил этилган.

Ишнинг “�збекистонда Хитойнинг иқтисодий ривожланиш тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари” номли учинчи бобида Ўзбекистонда Хитойнинг ташқи савдони ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари, Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида Хитой тажрибасининг аҳамияти, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари кўриб чиқилган.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Магистрлик диссертациясида глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиш, ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш хусусиятларини таҳлил қилиш асосида унинг ижобий тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ўрганилган ва умумий хулосалар берилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси. Магистрлик диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, назарий ва амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар берилган.

I БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиш моделли ва ислохотларининг асосий йўналишлари

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви даврида иқтисодий ривожланишнинг 5 та асосий йўналиши: молиявий глобаллашув; глобал трансмиллий корпорацияларнинг вужудга келиши; иқтисоднинг минтақалашуви; жаҳон савдосининг интенсивлашуви; конвертация тенденцияси бўлмоқда.

Иқтисодчилар глобаллашувнинг асосий томонларига ўз эътиборларини қаратадилар ва ундаги қуйидаги жараёнларни ажратадилар²:

- молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;
- ахборотлар аҳамиятининг ошиши;
- глобал олигополиянинг тўхтовсиз кенгайиши;
- трансмиллий корпорация(ТМК)лар сонининг ортиши;
- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви.

Ҳозирги вақтда Хитой ушбу тенденцияларни ва жараёнларни ҳисобга олган ҳолда тез ривожланмоқда. Хитой жаҳоннинг энг йирик мамлакатларидан бири бўлиб, унинг ер майдони 9,6 млн км.кв.га яқин, бу ер шарининг 6,5 фоизини ташкил этади. Ер майдони бўйича Хитой Россия ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Хитой аҳолисининг сони бир миллиард уч юз миллион кишини ташкил этади.³

² С.Ғуломов, Р.Назарова. Жаҳон иқтисодининг замонавий глобаллашуви. //Ҳамкор. 2002

³ Манба “Чжунго цзинмаодаокан”, № 2,2004

Хитой Халқ Республикасининг 90-йиллар охиригача иқтисодий ривожланиш моделининг характерли белгилари сифатида қуйидаги иккита муҳим хусусиятини кўрсатиш мумкин.⁴

1. Ривожланишнинг юқори суръатлари.
2. Иқтисодий ўсишининг экстенсив характерининг устунлиги.

Хитой дунёнинг йирик аграр-индустриал мамлакат бўлганлиги учун саноат ишлаб чиқариш даражаси бўйича юқори ўринларга чиқиб олиш ХХР учун бош стратегик мақсадга айланди. Қолоқликни тугатиш, янги ички маҳсулотнинг умумий ҳамда жон бошига ҳажми кўрсаткичини кўтариш учун ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб туриш талаб қилинади. ХХ асрнинг 90-йилларида Хитой иқтисодиётининг ўртача ўсиш суръатлари деярли 10 фоизга етганлиги бежиз эмас. ХХР иқтисодиёти айниқса 1992-1995 йилларда юқори ўсишга (10-14%) эришган.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодий ўсишининг ҳаралатлантирувчи кучи бўлиб ички истеъмол, ички талаб, мамлакат улкан аҳолисининг тез кўпайиши хизмат қилади. Ўсишнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат ресурслари;
- табиий ресурслар;
- барқарор жамғарма – сармоявий механизмни шакллантириш. Унинг асосида жамғариш ва сармоялашнинг юқори меъёрлари ётади (мамлакат янги ички маҳсулот структурасида сармоялар улуши учдан бир қисмига тенг бўлиб, АҚШнинг шу кўрсаткичидан икки марта кўп).

ХХР иқтисодий ўсишининг юқори суръатлари бутун иқтисодий тизимнинг қайта қурилиши билан бирга кузатилади. Иқтисодий ислоҳатлар ХХРда 1978-йил охирида амалга оширила бошланди⁵. Хитой иқтисодий ислоҳатларининг асосий мақсадларидан бири-анъанавий бюрократик режали тизимдан кўп укладли иқтисодиётга ўтиш ҳисобланади ва ушбу ислоҳатлар учун қуйидагилар ҳосдир:

⁴ Ломакин. В.К. Мировая экономика. Учебник. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. 589-б.

⁵ Чень Эньфу. Экономические реформы в Китае и России: цели, подходы и результаты. М, 2000, 47-с.

- 1) ижтимоий мулкчиликнинг етакчилик ролини сақлаб қолган ҳолда кўп укладли иқтисодиётга ўтиш;
- 2) натурал ва ярим натурал иқтисодиётни товар-пул иқтисодиётига айлантириш;
- 3) товар ва пул муомаласини, нарх белгилашни, банк тизимини ислох қилиш;

Глобаллашув шароитида олиб борилган иқтисодий ислохотлар Хитой ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Хитойда 1978 йилдан бошлаб ислохотлар ва очиклик сиёсатини амалга ошириш бошланди. 1980 йилдан бошлаб махсус иқтисодий ҳудудлар ташкил этила бошланди. 1992 йилда социалистик бозор иқтисодиётини куришга киришилди. 1979-2003 йилларда ЯИМнинг ўртача қўшимча ўсиш суръати 9,4%ни ташкил этди. 2004 йилда Хитой ЯИМ 13,6 трлн.юанни, солиштирма қўшимча ўсиш 9,5%ни ташкил этди. 1978 йилда Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 1%дан кам эди, ҳозирда эса бу кўрсаткич 4 % ни ташкил этмоқда. Хитой иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳонда олтинчи мамлакат бўлиб, 2004 йилда унинг товар айланмаси 1, 154 трлн. АҚШ долларини (1978 йилда жами 20,6 млрд.АҚШ доллари), шу жумладан, экспорт 593,36 млрд.долл.ни, импорт 561,4 млрд.долл. ни, савдо балансининг ижобий қолдиғи 32,0 млрд.долл.ни (бу 1999 йилдан буён энг юқори кўрсаткич) ташкил этди. 2004 йилда реал бевосита хорижий инвестициялар ҳажми 60,6 млрд. долл.ни ташкил этди. Дунёнинг энг кучли 500 та корхонасидан 400 таси Хитойда ўз корхоналарини таъсис этди. 27 йил ичида жалб этилган Хитой инвестицияларининг жами ҳажми 545,6 млрд. долл.ни, хорижий валюталар захираси – 609,9 млрд. АҚШ долл.ни (1978 йилда атиги 167 млн. долл.) ташкил этди, 2004 йилда истеъмол нархлар индекси 3,9% гача кўтарилди.

ХХР иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва бу натижалар иқтисодий ислохотларни ўтказиш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Хитой иқтисодий модели яратилиши натижасида катта ютуқларга

эришилди, унинг ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- айна бир вақтнинг ўзида давлат ва бошқа кўпгина мулкчилик шакллари ривожлантириш механизми яратилди;
- социалистик бозор иқтисодиёти тизими қурилмоқда;
- ҳар томонлама, кўп даражали, кенг тармоқли очиқ иқтисодиёт модели деярли шакллантирилди.

Хитойда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилар деб белгиланди:

- мамлакатнинг ташқи дунёга босқичма-босқич интеграциялашуви;
- ислох қилишнинг асосий усули сифатида иқтисодиётнинг бутунлай эркинлаштирилиши эмас, балки бозор иқтисодиётига босқичма-босқич тажрибавий текширувлар билан ўтилиши;
- ислохотларни амалга оширишда –мулкчиликнинг турли шаклидаги, яъни жамоат, шахсий, хусусий, қўшма (хориж иштирокидаги) хўжаликлар ривожлантирилди;
- Ҳукумат миллий ва хорижий тажрибани ўрганиб, ислохотни ўзга кўрсатмалар бўйича эмас, балки мамлакат хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур, деган хулосага келди ва «хитойча хусусиятли социализмни қуриш» йўлига қатъий туриб олди.

Аммо Хитой иқтисодиётининг ривожланишида турли қарама-қаршиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд. Муаммолар такомиллашмаган иқтисодий тузилма, иқтисодий ўсиш шакллариининг секин ўзгариши, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги ривожланиш даражаси бўйича фарқларнинг ўсиши каби омиллар билан боғлиқ.

ХХРда иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда асосий эътибор мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлган ялпи талаб ўзгаришларига қаратилди. Бундай ёндашув натижасида ЯИМнинг қиёсий нархларда ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 1979 йилдан 2003 йилгача йилига 9,4%ни, сўнгги беш йил ичида - 1998 йилдан 2001 йилгача

эса – 8%ни, 2002 йилда – 9,1%ни ташкил этдики, бу жаҳон хўжалигининг ўртача йиллик ривожланиш суръатлари – 3,8%дан анча юқори. ⁶

Хитой иқтисодиёти 2000-2007 йиллар ўртасида жадал суръатлар билан ривожланди. 2007 йилда ЯИМ 13% га ўсди. (1-жадвал) Бунга асосан инвестицияларнинг қўшимча ўсиши ва экспорт ҳажмининг ортиши таъсир қилди. Экспорт саноатнинг ривожланиши ва саноат маҳсулотлари экспортининг ошиши ҳисобига ўсди. 2008 йилда жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг таъсирида ЯИМ 9,0 %га ўсди. ⁷

1-жадвал. Хитойда йиллик ўсиш суръатлари

Йиллар	ЯИМ ўсиши суръатлари
1990	3,8
1991	9,2
1992	14,2
1993	13,5
1994	12,6
1995	10,9
1996	10,0
1997	9,3
1998	7,8
1999	7,6
2000	8,4
1999	7,6
2000	8,4
1999	7,6
2000	8,4
2001	8,3
2002	9,1
2003	10,0
2004	10,1
2005	9,9
2006	11,1
2007	13,0
2008	9,0
2009	8,2

Манба: <http://www.allchina.ru/>

⁶ Бергер Я.М. Экономическая стратегия Китая. – М.: ИД ФОРУМ, 2009. с.120.

⁸ <http://www.allchina.ru/>

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодийни такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив йўлига ўтиш муаммоси энг аввало мамлакатнинг улкан миқдордаги аҳолиси билан тушунтирилади. Аҳолининг кўпчилиги ўз вақтида кенг кўламли товар ишлаб чиқариш, ҳунармандчилик саноати ривожланишини ривожлантирган эди. Мамлакатда ҳунармандлар, чеварлар, косиблар, меҳнат қилувчи майда ва техник қоқоқ корхоналарнинг улкан ҳажмли вужудга келгани бежиз эмас. Ҳунармандчилик саноатининг ривожланиши натижасида мамлакат моддий ва молиявий ресурсларининг кенг парчаланиши содир бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг нораціонал структурасини, ишлаб чиқариш қувватларидан (айниқса ишлов бериш саноатида) кам фойдаланиш, хомашё, энергетик, ер ва сув ресурсларининг доимий етишмаслигини келтириб чиқарди. Хитой модели меҳнат унумдорлигининг жуда паст даражаси кўл меҳнатидан кенг миқёсда фойдаланиш билан ажралиб турар эди. Натижада қуйидаги хусусиятлар Хитой Халқ Республикаси ривожланишининг экстенсив йўлини характерлади:⁸

- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ниҳоятда пасайиши;
- зарарли корхоналар сонининг ва зарарлар миқдорининг кўпайиши, давлат корхоналарининг паст самарадорлиги;
- тўловсизлик ва давлат қарзининг ўсиши;
- ишсизлар сонининг кўпайиши;
- атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиш, яшаш муҳитининг жиддий ифлосланиши;

Экстенсив ўсиш моделининг инқирози 1992-1996 йилларда энг кўп намоён бўлди.

“Иккита стратегик ўтишлар” концепцияси Хитойнинг кейинги макроиқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Бу стратегик ўтишлар:⁹

⁸ Илларионов А. Секрет китайского экономического «чуда». // Ж. Вопросы экономики, 1998г., №4, с.14-26.

⁹ Иванов С. Промышленная политика Китая: очередное достижение // Ж. Экономист. №1.2006. с.52-57

1) анъанавий режали иқтисодиётдан социалистик бозор иқтисодиёти тизимига;

2) ўсишнинг экстенсив шаклидан интенсив шаклига ўтиш;

Бу ерда биринчи “стратегик ўтиш” иккинчиси учун асос бўлиб хизмат қилиш зарур. Ушбу концепция ХХРнинг ХХІ асрда иқтисодий ривожланиш негизини яратади.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш концепцияси мамлакат халқ хўжалигининг тармоқлари ва соҳалари устуворликларини муҳимлик даражасига кўра қуйидагича жойлаштиради:

- қишлоқ хўжалик, унинг ривожланиши, жамият ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг дастлабки шарти бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигини мамлакат улкан аҳолисини ҳаётини таъминлаш ва умуман иқтисодий ривожланишнинг асоси сифатида ҳар жиҳатдан ривожлантириш ва мустаҳкамлаш кўзда тутилади. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш 1978 – йилдаёқ бошланган эди, бироқ ҳозиргача мамлакатнинг деярли 700 млн. ишчисининг ярмиси аграр секторда банд.

- иқтисодиётнинг асосий тармоқлари: энергетика, транспорт (инфраструктура), металлургия, кимё саноати (оғир саноат).

- таянч тармоқлар: машинасозлик, автомобилсозлик, электроника, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати.

Электрон, аэрокосмик саноат, энг янги технологиялар каби юқори технологик тармоқларни ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамиятни касб этмоқда. Структуравий сиёсатдаги ўзгаришлар инвестициялаш соҳасида капитал қўйилмаларни асосан миллий хўжаликнинг устувор тармоқларига йўналтиришни келтириб чиқаради.

Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ўсишнинг янги моделига ўтиш шароитлари яратилган:

- замонавий ишлаб чиқаришнинг негизлари вужудга келтирилган;
- юқори малакали кадрлар шакллантирилмоқда;

- ИТТКИ соҳаси юқори суръатлар билан ривожлантирилмоқда;
- қулай инвестицион иқлим яратилган мамлакат хавфсизлигига ташқи таҳдид деярли йўқ.

ХХР интенсив ривожланиш моделига ўтиш коммунистик партия ва ҳукуматнинг аниқ раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда. “Дастур 2010”да ўтиш жараёнини бошқаришнинг асосий принциплари: макроиктисодий тартибга солиш, ягона давлат режалаштириши, бозорни норматив тартибга солиш аниқ белгилаб берилган. Бошқарувнинг ҳукукий ва маъмурий-сиёсий усулларида фойдаланиш кўзда тутилган. Конкрет иқтисодий кўрсаткичлар ва ўсиш суръатлари эҳтиёткорона башорат қилинади, негаки ўтиш жамиятда ижтимоий-сиёсий тангликнинг кучайиши билан боғлиқ режалар амалга оширилишига таъсир этувчи турли зиддиятлар вужудга келиши мумкин.

Воқеалар қулай ривожланса Хитой 2010 йилда АҚШни ЯИМ умумий ҳажми бўйича (миқдорий кўрсаткич бўйича) орқада қолдириши мумкин деган башоратлар қилинган эди, лекин бунда ХХРнинг ЯИМ сифат кўрсаткичлари (ЯИМ таркиби, унинг техник даражаси, аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори) американикидан анча паст бўлади. Шунга қарамай Хитойнинг ривожланиш тараққиёти яққол, мамлакатнинг сифат кўрсаткичлари эса вақт давомида яхшиланиб боради.¹⁰

ХХР иқтисодиёти сўнгги 30 йилда узлуксиз ўсиб бормоқда. 2010 йилда у номинал ЯИМ ҳажми бўйича дунёда АҚШдан кейин 2-ўринни эгаллайди. 2010 йилда мазкур кўрсаткич бўйича Хитой Япониядан ўзиб кетди. ХХРнинг номинал ЯИМ ҳажми 2009 йилда 5,02 трлн. АҚШ долл.ни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 7,5 трлн АҚШ долларни ташкил қилди. ХВФ маълумотларига кўра 2010 йилда ХҚП бўйича ЯИМ ҳажми кўрсаткичи (10,1 трлн халқаро доллар) бўйича ҳам Хитой АҚШдан кейинги 2-ўринда турибди. 2011 йилда мазкур кўрсаткич 11,2 трлн халқаро долларга баҳоланмоқда.

¹⁰ Селищев А.С., Селищев Н.А. Китайская экономика в XXI веке -.СПб., «Питер», 2004. с.86-93

2-жадвал. 2010 йилда ЯИМ ҳажми бўйича жаҳоннинг етакчи мамлакатлари, трлн. АҚШ долл.

Кўрсаткичлар	Миқдори
АҚШ	14,6
Хитой	5,879
Япония	5,474

Манба: <http://lenta.ru/news/2011/03/23/overtake/>

XXI асрда Хитой ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ялпи кўрсаткичлари эвазига дунёнинг энг қудратли мамлакатига айланиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида Хитой Халқ Республикаси самарали инвестициялар учун энг қулай минтақалардан бири, мамлакатнинг ривожланиб бериш билан унинг сармоявий ва иқтисодий потенциали кўпайиб боради.

Экспертларнинг баҳолашича, 2030 йилга бориб Хитой аҳолиси сони 1,6-2,2 млрд.ни ташкил этиши мумкин. Мамлакат иқтисодиёти жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди: ярим аср мобайнида ХХР аҳолиси очликдан қийналаётган мамлакатдан етакчи мамлакатлар билан биргаликда дунёнинг ҳар қандай мамлакатига, ҳатто АҚШга ҳам ўз шартларини айта оладиган мамлакатга айланди. Ҳозирги пайтда Хитой жаҳонда ялпи иқтисодий ҳажм бўйича олтинчи, ташқи савдо ҳажми бўйича тўртинчи ўринда туради. Хитой ҳисобига жаҳондаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 10 фоизи, ривожланаётган мамлакатлардаги хорижий тўғри инвестицияларнинг 40 фоизи тўғри келади (200 млрд. долл.). Хитой ЯИМнинг сўнгги йигирма йилликда ўсиши, дон, гўшт, кўмир, пўлат, цемент, телевизор ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчи ўринга эришиш модернизация сиёсати ва ислохотлар туфайли рўй берди.

ХХР халқ хўжалигини 2050 йилгача ривожлантириш режасига биноан ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 2010 йилгача - 7,5%ни, 2020 йилгача – 6,5%ни, 2030 йилгача – 5,5%ни, 2040 йилгача – 4,5% ни ва 2050 йилгача – 3,5%ни ташкил этиши керак. ЯИМ ҳажми 2010 йилда - 2,226 трлн. долл.ни, 2020 йилда - 4,178 трлн. долл.ни, 2050 йилда эса - бу кўрсаткич

15,634 трлн.долл.ни ташкил этиши ҳисобланган. Шундай қилиб, ХХІ аср ўртасига келиб Хитой ЯИМ ҳажми бўйича АҚШнинг ҳозирги ЯИМ ўсиш суръатлари – йилига 3,4% сақланиб қолинган ва Хитойнинг кўзланган режалари амалга ошган тақдирда АҚШдан ўзиб кетиш имкониятига эга.¹¹

1.2. Молиявий инқирознинг Хитой иқтисодиётига таъсири

АҚШда кредит инқирози билан бошланган жаҳон молиявий –иқтисодий инқирози узоқ вақт давом этмоқда ва ва катта даражадаги хатарга эга. Ҳозирги даврда инқироз АҚШ иқтисодиётидан ташқари бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ҳам таъсир ўтказмоқда. Инқироз ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга, иқтисодиётнинг молиявий секторидан реал секторига тарқалмоқда.

Жаҳон бозорларида талаб сусаймоқда, жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари пасаймоқда, кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётлари жиддий муаммолар билан тўқнашмоқда.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар глобал молиявий-иқтисодий инқироздан кучли азият чекмоқда. Президентимиз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солган ва бугунги кунда ҳам дунё иқтисодиётига ўз салбий таъсирини ўтказиб келаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга алоҳида эътибор қаратиб, бу борадаги аҳволнинг таҳлили орқали жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асослар мавжудлигини таъкидлайди.¹²

Жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари инқирознинг олдини олиш, унинг таъсир даражасини пасайтириш ва миллий рақобатбардошликни таъминлаш борасида турли кўриниш ва кўламлардаги ҳаракатларни бошлаб юборди. Ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг “Катта саккизлик” ва

¹¹ Селищев А.С., Селищев Н.А. Китайская экономика в ХХІ веке -.СПб., «Питер», 2004.

¹² И.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Халқ сўзи. 2011 йил 22 январь.

“Катта йигирмалик”¹³ гуруҳлари доирасида бир неча бор саммитлар ўтказилди. Дастлабки саммит 2008 йилнинг ноябрь ойида Вашингтонда, кейинчалик 2009 йил апрелда Лондонда, 2010 йил ноябрда Сеулда, 2011 йил ноябрда Каннда ўтказилди. “Катта йигирмалик” гуруҳининг навбатдаги саммитлари 2012 йил июнь ойида Мексикада, 2013 йили Россияда, 2014 йили Австралияда, 2015 йилда эса Туркияда ўтказилиши режалаштирилмоқда.¹⁴

Хусусан, Сеул саммитида АҚШ ва Хитойнинг валюта сиёсати, Халқаро ҳисоб-китоблар банкни назорат қилиш бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган жаҳон банк соҳаси учун янги қоидалар, Халқаро валюта фондини ислоҳ қилиш каби масалалар кўриб чиқилди. Бундан ташқари, саммит тасдиғига жаҳон иқтисодиёти ўсиши ва ижтимоий тараққиётнинг “Сеул консенсуси” деб ном олган янги концепцияси киритилди. У “Вашингтон консенсуси” номи билан танилган тараққиётнинг олдинги мезонини алмаштириши лозим эди. “Вашингтон консенсуси” 1980 йилларнинг сўнгидан бошлаб амал қилиб, ўзига ўта либерал (эркин) бозор ғояларини сингдирган эди. Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келиши билан ушбу ғоялар инкор этила бошлади. Сеул саммити нихоясида Якуний декларация қабул қилиниб, унда хусусан, 2013 йилга бориб ривожланган мамлакатларнинг бюджет тақчиллигини камида 2 баробарга қисқартириш мажбурияти белгиланди.¹⁵


¹³ “Катта йигирмалик” гуруҳи (G-20) расман 1999 йилда глобал иқтисодиётдаги асосий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган, унга ЯИМ ҳажми жаҳон ЯИМнинг 90 %ни ташкил этадиган 20 та ривожланган ва ривожланаётган йирик давлат: Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, ЖАР, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи киради

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: 2011.

“Катта йигирмалик” гуруҳи доирасида қабул қилинаётган барча чоратадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланмаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, энг ривожланган мамлакатлардаги ЯИМнинг ўсиш суръатлари аксарият ҳолларда инқироздан олдинги даражага етмаганини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)¹⁶

Расмдан кўринадики, инқироз туфайли барча ривожланган мамлакатларда 2009 йилдаги кескин пасайишдан кейин 2010 йилда иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланган, ҳаттоки, АҚШ, Япония ва Германияда инқироздан олдинги 2007 йил натижаларидан ҳам юқорирок бўлганини кузатишимиз мумкин. Бироқ, 2011 йилда таҳлил қилинаётган барча мамлакатларда олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари яна секинлашиб, ҳатто Японияда 0,4 фоиз даражасида иқтисодий пасайиш рўй берди. Турли халқаро молиявий ташкилотларнинг бераётган прогнозларига кўра, 2012 йилда ҳам манзара у қадар ижобий тус олмади. АҚШ ва Японияда иқтисодий ўсиш суръатлари тегишли равишда 1,8 ва 1,9 фоиз бўлиши

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

кутилаётган бўлса, Буюк Британия ва Германияда бу кўрсаткич атиги 0,7-1,0 фоиз даражасида бўлди.

Президентимиз ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилаётгани ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлигини алоҳида қайд этади.¹⁷

Ҳақиқатан ҳам, 2012 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик инқироzi чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар. Инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш мумкинлигига, банкларнинг барқарорлигига ва Европа иқтисодиётининг истикболларига нисбатан ишончни йўқота бошлади. Ликвид маблағлар бозоридаги танглик ўсиб, борган сари янги мамлакатлар “муаммоли”лар қаторига қўшила бошлади. Ва ниҳоят, Европадаги умумий иқтисодий ўсишдаги пасайиш реал таҳдидга айлана бошлади.

Жаҳон иқтисодиётининг бир қисми сифатида Хитой иқтисодиёти ҳам жаҳон молиявий инқироzi таъсирини сезмоқда. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi ва хусусан ривожланган давлатларда Хитойнинг экспорт товарларига бўлган талабнинг камайиши мамлакат иқтисодиётига етарлича салбий таъсир кўрсатди. Шанхай биржасида индекс кўрсаткичи 70% га тушди. Саноат ишлаб чиқаришнинг камайиши ва айниқса кўп йиллардан кейин биринчи марта 2008 йил ноябр ойида экспортнинг камайиши мамлакат иқтисодий ўсишини 9%гача камайишига олиб келди.

Хитой – ҳозирги жаҳон иқтисодий ўсишининг етакчи мамлакатларидан бири олдинги инқироздан ўн йил ўтгандан сўнг яна молиявий-иқтисодий

¹⁷ И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

инқирозга дуч келди. Ҳозирги молиявий инқирозга келсак, унинг яққол таъсири 2008 йилнинг сўнгги чорагидаёқ кўзга ташланади¹⁸. 2008 йилнинг 3 кварталида иқтисодий ўсиш 9,9%ни ташкил этди. Ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан ўсиш 2,3% ни ташкил этди, 3 кварталда пасайиш 9%ни ташкил этди. ХВФ 2009 йилда Хитой иқтисодиёти ўсиши 8,5%ни, Жаҳон Банки 7,5%ни ташкил этишини башорат қилди. Шу билан бирга 2009 йилда Хитой экспортининг сусайиши тенденцияларини, Хитойнинг реал экспорти ўсиши 3,5%ни, ЯИМ ўсиши ҳажмида соф экспортнинг улуши 1% ни ташкил этишини эътироф этди. Ҳақиқатан ҳам 2008-2009 йилларда Хитой ЯИМ ўсиш суръатлари жиддий пасайди (3-жадвал).

3-жадвал. Хитой ва Шарқий Осиё мамлакатларида ЯИМ динамикаси, 2002-2009 йй., ўтган йилга нисбатан %

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Хитой	9,1	10,0	10,1	10,4	11,6	13,0	9,0	8,4
Япония	0,3	1,4	2,7	1,9	2,0	2,4	-0,7	-0,3
Корея Республикаси	7,0	3,1	4,7	4,2	5,1	5,0	2,5	3,0
Гонконг (ХХР)	1,8	3,0	8,5	7,1	7,0	6,4	2,5	2,4
Тайвань	4,6	3,5	6,2	4,2	4,8	5,7	3,6	2,7
Сингапур	4,2	3,5	9,0	7,3	8,2	7,7	1,2	0,2
Малайзия	5,4	5,8	6,8	5,3	5,8	6,3	5,4	4,3
Индонезия	4,3	4,8	5,0	5,7	5,5	6,3	6,1	3,9
Таиланд	5,3	7,1	6,3	4,5	5,1	4,9	2,6	3,2
Филиппин	4,5	4,9	6,4	5,0	5,4	7,2	4,6	3,3
Вьетнам	7,1	7,3	7,8	8,4	8,2	8,5	6,2	...

Манба: Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 174 World Economic Situation and Prospects-2009. N.Y., UN, 2009. P. 2, 131-132.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида Хитой иқтисодиётининг энг бўш тармоғи бўлиб, металлургия сектори ҳисобланади. 2008 йил августида пўлат ишлаб чиқариш 5% га камайди. Бунга экспорт талабининг сақланиб қолиши ва Пекин олимпиадасини ўтказиш даврида унга қўйилган чекловлар ҳам сабаб бўлди. Financial Times газетаси ХХРнинг металлургия секторидаги ҳолатни муҳокама қилганида шуларни таъкидлаб ўтди:

¹⁸ Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 10.

сентябрда хиндистонлик темир рудаси ишлаб чиқарувчилар ХХР истеъмолчилари томонидан талабнинг пасайганини хис қилмоқдалар, ҳатто улар имзоланган битимларни ҳам бекор қилиш мумкинлигини таъкидлаганлар. Экспертларнинг фикрича, бу ҳолат ХХРдан ташқарида пўлат ва прокатга бўлган талабнинг пасайиши туфайли хитойлик ишлаб чиқарувчиларнинг зарар кўраётганликлари билан боғлиқ. Бунинг натижасида Хитойда пўлат ишлаб чиқариш 2008 йилга нисбатан 5% га, 43 млн. тоннага камайди. Beijing Metal Consulting компанияси бошлиғи Сюй Чжонбонинг фикрича ишлаб чиқариш таркибида металл мавжуд бўлган маҳсулотлар экспортининг пасайиши ва буюртмаларнинг камайиши сабали камайиб кетди. Deutsche Bank нинг таҳлилчиси Майкл Льюис шундай деб таъкидлайди: “Хитойнинг ўсишида, саноат ишлаб чиқаришида ва инвестицияларидаги ҳар қадай пасайиш талабнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Хитой 2009 йилда никель, нефть, мис, пўлат, темир рудасига бўлган глобал талабнинг ўсишини 40%ни таъминлаши лозим”.

Хитойнинг банк соҳасида жаҳон инқирози камроқ сезилади. Хитой банклари Ғарбнинг молиявий институларига нисбатан банклар ликвидлиги муаммоларини камроқ сезмоқдалар, Интервенцияларга фақат Гонконг эмиссия банки борди холос, улар 499 млн.долларн ташкил этади. Хитой банклари хориждан катта бўлмаган банк активларини сотиб олмоқдалар: 2008 йил августи охирида Industrial and Commercial Bank of China Росевробанком билан унинг 100% акцияларини сотиб олиш тўғрисида келишди. Хитой ҳукумати фонд бозорини барқарорлаштириш бўйича чора тадбирлар кўрмоқда. "Синьхуа" агентлигининг ахборотига кўра, ички қимматбаҳо қоғозлар бозорини мустаҳкамлаш мақсадида Хитой давлат кенгаши ХХР молия вазирлиги ва солиқлар бўйича давлат бошқаруви билан келишилган ҳолда 19 сентябрдан бошлаб қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишга давлат солиғини 0%га туширди. 24 апрелдан бошлаб Хитой ҳукумати битимлар қийматидан пошлиналарни 0,3 дан 0,1% гача туширди.

Инқироз даврида Хитойнинг банк секторига АҚШ ва Россиядагидек муаммолар таъсир ўтказмади. Давлат кенгаши бошлиғи Вэнь Цзябао молиявий иқтисодий инқирознинг Хитой иқтисодиётига таъсири ҳақида тўхталиб, ҳозирда Хитой иқтисодиётининг экспорт ҳисобига ўсиши хорижий мамлакатлардан талабнинг камайиши ҳисобига камайиши мумкинлиги, шу сабабли бу таъсирни мамлакат ичидаги талабнинг ошиши ҳисобига чегаралаш лозимлигини таъкидлади. Шу билан бирга у жаҳон молиявий бозоридаги муаммолар Хитойга инвестицияларнинг кириб келишига ҳам таъсир этишини таъкидлади. CNN га берган интервьюсида у “агар АҚШнинг молиявий ва иқтисодий тизимларидаги ҳолат ёмонлаша борса, бу нафақат АҚШ иқтисодиётига балки Хитой ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари иқтисодиётига ҳам таъсир этади ” деб таъкидлади. Шунга қарамай ХХР иқтисодиётининг алоҳида олинган тармоқларида кескин пасайиш кутилмапти. Хитой учун инқирознинг оқибатлари умумий, аниқроғи макроиқтисодий даражада кутилмоқда. Хитой банкларни тартибга солиш комиссияси раиси Лю Минкан Хитойнинг иқтисодий ривожланиши секинлашади ва йилига 9-9,5% ни ташкил этади. 2007 йилда Хитой ЯИМси 11,9% ўсди. Унинг фикрича ушбу ҳолатда энг муҳими молиявий барқарорликни сақлаб туриш ҳисобланади. Шунингдек, Хитой давлати ички ўсишни жиддий манбаларига эга бўлиб, товарлар айланмаси, капитал келиши, ўзаро инвестиция муносабатлари ушбу давлатнинг ҳолатини мустаҳкамлайди.

Инқироз Хитой иқтисодиётига таъсир кўрсатган бўлса ҳам, лекин унинг таъсири ривожланган давлатлардагидек бўлмади ва кучли иқтисодий ўсишни пасайишига олиб келмади. 2009 йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий ўсиш тахминан 8% деб кутилган эди. 2011 йилда иқтисодиёт структураси бирмунча яхшиланди, шаҳар ва шаҳарга ўхшаш марказларда иш билан бандлик даражаси ошди ва бу кўрсаткич 4,6% даражасида қолади. Шу билан

бирга шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг даромади ошиб, тўлов баланси яхшиланди.¹⁹

4-жадвал. 2011 йилда ХХРнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2011 йил
Номинал ЯИМ, трлн. АҚШ долл.	6,48
ХҚП бўйича ЯИМ ҳажми, трлн халқаро долл	10,1
ЯИМ ўсиши, %	10,3
Аҳоли жон бошига ЯИМ (ХҚП бўйича), халқаро долл	7,518
Инфляция (ИНИ), %	3.2
Иқтисодий фаол аҳоли, млн киши	798,1
Ишсизлик даражаси, %	4,3
Асосий тармоқлар	
Қишлоқ хўжалиги, %	12,46
Саноат, %	47,28
Хизматлар соҳаси, %	40,26
Ташқи савдо	
Экспорт, млрд. АҚШ долл	1 581
Импорт, млрд. АҚШ долл	1 204
Давлат молияси	
Давлат қарзи, ЯИМга нисбатан %	18.9
Ташқи қарз, млрд. АҚШ долл	428,4
Давлат даромадлари, млрд. АҚШ долл	1 227
Давлат харажатлари, млрд. АҚШ долл	1 350

Манба: <http://ria.ru/economy/20110305/342439176.html>

Молиявий инқироз давлатларнинг ўзаро халқаро муносабатларини ривожлантиришда энг яхши шароит яратади. Масалан, Хитой ва Россия давлатлари, бу давлатларнинг иқтисодиёти ўзаро бир-бирини тўлдирувчи иқтисодиёт ҳисобланади. Шу сабаб Хитой билан Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишидан мамлакат иқтисодиётини ривожланишида фойдаланиш ва янги ишчи ўринлари яратилишида фойдаланиш лозим.

Бундай шароитда Хитойнинг 2 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта резерви иқтисодиётни қўллаб-қувватлашда асосий инструмент бўлиши мумкин. Шу билан бирга АСЕАН давлатлари билан тузилган “Эркин савдо ҳудуди” тўғрисидаги келишуви ҳам бундай омил бўлиши мумкин. Ушбу келишув 2010 йилдан кучга кириши кутилмоқда. Биринчи навбатда, савдо-

¹⁹ <http://www.allchina.ru/>

иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш механизмларини ишга тушиши кутилмоқда, айнан ушбу тармоқ жаҳон рецессия даврида энг катта жабр кўргани ҳисобланади.

2010 йилда Хитой Бруней, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатларига божхона тўловларини олиб ташламоқчи, 2015 йилда эса шундай имтиёз Вьетнам, Камбоджия, Лаос ва Мьянма давлатларига берилиши режалаштирилган.

АСЕАН Хитой ҳамкорлари ичида Европа Иттифоқи, Япония ва АҚШдан кейин тўртинчи ўринда туради. 2008 йилнинг 10 ойи натижаларига кўра Хитой билан АСЕАН давлатлари ўртасидаги савдо айланмаси 199,1 млрд. АҚШ долл.га етди, 2007 йилнинг тегишли даврига нисбатан 21,6% юқори бўлди.

1.3. Хитой ҳукуматининг инқирозга қарши чора тадбирлари

Молиявий инқироз бошлангандан бери Хитой ҳукумати ўзининг барқарорлиги ва тараққиётини қўллаб қувватлаши унинг жаҳон иқтисодиётига қўшган энг катта хиссаси бўлишини доимо таъкидлаб келди. Хитой ҳукуматининг кўрган чора-тадбирлари барқарорлик ва тараққиётини сақлаш учун энг зарур ҳисобланади.

Хитой ҳукумат бошлиқларининг мамлакат ичида инвестицияларни кўпайтириш, ички талабни рағбатлантириш, иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш ҳамда жаҳон иқтисодиёти ривожланиши омили сифатидаги Хитой иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлашда акс этган хиссаси бўйича қарорлари албатта мамлакат аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланган ва Хитойнинг жаҳон ҳамжимияти олдида маъсулиятли ривожланаётган мамлакат сифатида намоён қилувчи қарорлардир.

1) Фаол молиявий сиёсат. Молиявий харажатларни кўпайтириш, ундан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда, иқтисодий тузилмани оптималлаштиришда фойдаланиш йўли билан фаол молиявий сиёсат юритиш таъсирчан ва самарали роль ўйнайди. “Барқарор” иқтисодий

сиёсатнинг “ фаол ” иқтисодий сиёсатга хозирги тарнсформацияси Хитойнинг молиявий харажатларни кўпайтириши, инвестициялаш кўламини кенгайтиришини билдиради. Ўз навбатида бу тадбирлар иқтисодиётни ривожланишини рағбатлантиради.

2) Кенг монетар сиёсат. “Етарлича кенг ” монетар сиёсатни амалга ошириш бу кредитлаш хажмларини рационал ошириш. Бу пул массаси ажратишни оширишни назарда тутди. Яъни нархларнинг умумий даражасини барқарорлаштиришни давом этган холда, нисбатан динамик, барқарор ривожланиши фаол роль ўйнаши 1998 йилда Хитой барқарор монетар сиёсат олиб боришни бошлади. 2007 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб товар нахларининг ўсишини, инвестицион кредитлашни ўсишини олдини олиш учун барқарор монетар сиёсат, “эҳтиёткор” монетар сиёсатга ўтди. 2008 йил сентябр ойидан бошлаб Хитой Марказий банки фоиз ставкаларини 4 маротаба туширди.

3) Ички талабни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар. 2010 йил охиригача Хитой ЯИМнинг тахминан 16% га тенг 4 трлн. юань миқдордаги суммани инвестиция қилиш. Бу 2006 йилда Хитойнинг марказий ва маҳаллий ҳукуматлари харажатларининг йиғиндисини ташкил этади. Бу борадаги ўнта чоралар қуйидагилардан иборат:

- кафолатланган уй жой объектлари тезкор қурилишини таъминлаш. Ижарага уй жой қурилиши, эски уй жойларни бузиш, кўчманчи аҳолини муқим яшаш жойлари билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқда авария ҳолатидаги уйларни реконструкция қилиш суръатларини ошириш;

- қишлоқ районларида инфратузилма объектларининг қурилишини тезлаштириш. Қишлоқ йўллари қурилиши ҳамда қишлоқ аҳолисини газ ва сифатли сув билан таъминлаш, қишлоқ электр тармоқларини такомиллаштириш, суръатларини ошириш, Жанубдан Шимолга сув захираларини ўтказиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш. Қишлоқда қашшоқлик билан курашни кучайтириш;

- авто йўллар, темир йўллар, аэропортлар ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишини тезлаштириш. Устивор транспорт тўрлари қурилиши, шу жумладан, йўловчилар учун махсус қулайликлар, кўмир ташиш учун турли йўллар ва ғарбий магистрал темир йўл қурилиши; тезюар таранспорт тизимлари қурилишини такомиллаштириш; Хитой ғарбида аэропортлар қурилишини ташкил этиш; шаҳар энегия тармоқлари қувватларини ошириш;

- соғлиқни сақлаш, маданият ва таълим соҳаларини тезкор ривожлантириш. Паст табақадагиларга медицина хизмат кўрсатини мустаҳкамлаш; мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмидаги қишлоқ жойларида бошланғич мактаблар ва комплекс маданият марказларини реконструкция қилиш; мамлакатнинг марказий ва ғарбий қисмидаги қишлоқ жойларида бошланғич мактаблар ва комплекс маданият марказларини қурилишини таъминлаш;

- атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича кучайтириш. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва сув манбаларини тозалаш объектлари қурилишини тезлаштириш ҳамда сув хавзаларини саноат ва бошқа турли чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик; табиий ўрмон массивларини яратиш; электр энергиясини тежаш ва зарарли моддаларни ташлашни олдини олувчи лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

- ўз инновацион ишлаб чиқаришларини тезкор ривожлантириш ва унга мос тузилмаларни такомиллаштириш. Юқори технологияли саноатни яратишни ва саноат технологиялари тараққиётини қўллаб-қувватлаш; хизматлар соҳаси ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

- Ер қимирлашидан кейинги оқибатларни йўқотиш қайта тиклаш ишларини олиб бориш;

- шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг иш ҳақларини ошириш;

- мамлакатнинг барча ҳудудлари ва тармоқларида ҚҚСнинг янги шаклига ўтиш амалга оширилади, корхоналар технологиялари модернизацияси қўллаб-қувватланади;

- иқтисодий ўсиш учун молиялаштириш хажмининг оширилиши. Тижорат банклари томонидан кредитлаш хажмларига чекловларнинг бекор қилиниши, кредитлаш хажмларини рационал кенгайтиришни амалга ошириш; устивор “уч қишлоқ” (қишлоқ хўжалиги, қишлоқ, қишлоқ аҳолиси), технологиялар, кичик ва ўрта бизнесни такомиллаштириш лойиҳалар қурилишини қўллаб- қувватлаш; истеъмол кредити даражасини мақсадга йўналтирилган ҳолда рағбатлантириш ва мустаҳкамлаш. Ҳисоб китобларга кўра ушбу қурилишларга 2010 йилнинг охиригача 4 трлн. Юань керак бўлади. ей Қурилишларни тезлаштириш мақсадида марказий ҳукумат томонида 100 млрд. юан ажратиш қарор қилинган. 2009 йилда зилзила оқибатидан азият чекканлар фондига 20 млрд. юань ажратилиши кўзда тутилган.

4) Бошқа чора тадбирлар.

1. Корхоналарнинг молиявий ночорлигини камайтириш мақсадида бевосита солиққа тортишнинг ўсиши. Бу чора тадбирлар корхоналарнинг молиявий ночорлигини 120млн юанга қисқартириши мумкин.

2. Давлат экспорт савдосига кўмаклашиш борасида сиёсий чора-тадбирларни қўллади. 10 устивор чора-тадбирларни эълон қилинишидан аввал 2 та муҳим чора-тадбирлар амалга оширилган эди.: 1) экспортга солиқни қайтарилиш ставкаси оширилди. 2) экспорт қилинадиган товарларга божхона тўловларининг маълум бир қисми бекор қилинди.

2009 йилда Хитой ҳукумати ижтимоий муҳим дастурларни амалга ошира бошлади, хусусан турар жойлар қуриш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, темир йўллари, автомобил йўллари, аэропортлар, денгиз портлари қуриш ва бошқалар.

Бу мақсадларга қуйидагиларни амалга ошириш орқали эришиш назарда тутилмоқда:

Биринчидан, узоқ муддатли стратегик иқтисодий ўсишни кўзлаган ҳолда ички талабни ошириш;

Бу хусусда мамлакатимиз Президенти И.Каримов шундай деб таъкидлайди: ” Халқаро бозорнинг ривожланишидаги беқарорлик, кўплаб мамлакатларда товарларга ички талабнинг пасайиши давом этаётгани иқтисодийнинг реал сектори суръатларининг изчил ўсиши учун мустаҳкам асос яратиш имконини бермаётганини таъкидлаш лозим.”²⁰

Иккинчидан, тўхтаб қолган саноат ишлаб чиқариш қайта қуриш ва стратегик муҳим саноат тармоқларини қўллаб-қувватлаш;

Учинчидан, иш билан бандликда сиёсий фаоллик олиб бориш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш.

2009-2011 йилларда автомобилсозлик, оғир саноат, текстил саноати, техника-технологиялар ишлаб чиқариш, кemasозлик, электрон инфор­мацион технологиялари, рангли металлургия, енгил саноат ва транспорт хизмати тармоқларини ривожлантириш Хитой ҳукуматининг олди­га қўйган режаларига киради. Ушбу тармоқларни ривожлантиришга асос бўлган бир неча сабабларни келтириш мумкин: Биринчидан, айнан шу тармоқлар ишлаб чиқариши 2007 йилда саноатнинг умумий қўшилган қийматини 80%ини ва ЯИМнинг учдан бир қисмини ташкил қилиб халқ хўжалигининг олдинги тармоқлари ҳисобланади; Иккинчидан, жуда кўп миқдорда ишчи кучи мавжудлиги; Учинчидан, ушбу ишлаб чиқариш тармоқларида кейинги йилларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бораётганлиги.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳозирги кунда мазкур соҳалар яхши ривожланмоқда. ХХРнинг ЖСТга қўшилгандан сўнг ўтган даврдаги иқтисодий ривожланиш якунлари кўрсатишича, аввалданок жаҳон бозорида рақобатбардош эмас деб топилган айрим тармоқлар, масалан, автомобиль саноати аксинча янада тезроқ суръатлар билан ривожлана бошлади. Хусусан, 2002-2003 йилларда автомашиналар сотувининг ўсиш суръатлари ХХР ички

²⁰ И.А.Каримов Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

бозорида ўтган йилларга нисбатан 50%ни ташкил этди ва 1997 йилдаги 1,58 млн. га нисбатан 2003 йилда 4,4 млн. автомобил ишлаб чиқарилди. 2009 йилда эса Хитой Япониядан ўзиб, жаҳонда энг йирик автомобиллар бозорига айланди, 2011 йилда 18420 мингта транспорт воситаларини ишлаб чиқарди (5-жадвал).

5-жадвал. Хитойда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми

Йил	Маҳсулот ҳажми (млн.)
1992	1.0
2000	2.07
2005	5.71
2006	7.28
2007	8.88
2008	9.35
2009	13.79
2010	18.06
2011	18.42

Манба: caam.org.cn. — China automobile production decrease 9,26 % in December 2011 December 13, 2012

Хулоса қилиб айтганда, Хитойнинг замонавий иқтисодий моделида ташқи иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш, рақобатбардош соҳалар экспортини кенгайтириш, ташқи савдо таркибини яхшилаш ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосий ўринни тутади.

Ҳозирги босқичда Хитой ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги муаммоларга аҳамият бериш ва уларни ҳал қилиш муҳим аҳамиятга эга: қишлоқ хўжалиги, қишлоқ, қишлоқ аҳолиси, аҳолининг иш билан бандлиги масаласи, шаҳарда ва қишлоқда даромадлар ва шароитлар ўртасидаги фарқ, минтақавий фарқлар, ресурсларнинг тез тугаши (кўмир, энергия, нефть, ташишлар).

ХХР иқтисодий ривожланиши ўз кучларига таяниш орқали, ташқи иқтисодий фаолиятнинг жадал кенгайиб бориши билан бирга олиб борилди. Ҳозирги замон талқинида ушбу концепция миллий хўжалик иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва техник даражасини кўтариш мақсадларида

илғор хорижий технология, бошқарув тажрибалари, молиявий имкониятлардан фаол фойдаланишни назарда тутди.

1-боб учун хулоса

ХХР иқтисодиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда, бу натижалар иқтисодий ислохотларни ўтказиш билан чамбарчас боғлиқ. Хитой иқтисодий модели яратилиши натижасида катта ютуқларга эришилди, унинг ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- айти бир вақтнинг ўзида давлат ва бошқа кўпгина мулкчилик шакллари ривожлантириш механизми яратилди;
- социалистик бозор иқтисодиёти тизими қурилмоқда;
- ҳар томонлама, кўп даражали, кенг тармоқли очиқ иқтисодиёт модели деярли шакллантирилди.

Хитойда иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилар деб белгиланди:

- мамлакатнинг ташқи дунёга босқичма-босқич интеграциялашуви;
- ислох қилишнинг асосий усули сифатида иқтисодиётнинг бутунлай эркинлаштирилиши эмас, балки бозор иқтисодиётига босқичма-босқич тажрибавий текширувлар билан ўтилиши;
- ислохотларни амалга оширишда мулкчиликнинг турли шаклидаги, яъни жамоат, шахсий, хусусий, қўшма (хориж иштирокидаги) хўжаликлар ривожлантирилди;
- ҳукумат миллий ва хорижий тажрибани ўрганиб, ислохотни ўзга кўрсатмалар бўйича эмас, балки мамлакат хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур деган хулосага келди ва «хитойча хусусиятли социализмни қуриш» йўлига қатъий туриб олди.

Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози ва хусусан ривожланган давлатларда Хитойнинг экспорт товарларига бўлган талабнинг камайиши мамлакат иқтисодиётига етарлича салбий таъсир кўрсатди. Шанхай биржасида индекс кўрсаткичи 70% га тушди. Саноат ишлаб чиқаришнинг

камаиши ва айниқса кўп йиллардан кейин биринчи марта 2008 йил ноябр ойида экспортнинг камаиши мамлакат иқтисодий ўсишини 9%гача камаишига олиб келди.

Молиявий инқироз бошлангандан бери Хитой ҳукуматининг кўрган чора-тадбирлари барқарорлик ва тараққиётини сақлаш учун энг зарур ҳисобланади.

II БОБ. ХИТОЙНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

2.1. Хитойнинг ташқи иқтисодий стратегиясининг асосий йўналишлари

Хитойнинг глобаллашув жараёнларида иштирок этишининг биринчи мезони бўлиб, унинг Умумжаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши ҳисобланади. 2001 йилда у ушбу ташкилотга 10 йиллик тайёргарликдан сўнг аъзо бўлди. Хитойнинг УСТга аъзо бўлишига ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва ушбу ташкилотдаги иштирокидан инвестицияларни жалб қилиш ва янги бозор ва технологияларга эга бўлиш имконияти сифатида қаралади.

Хитойнинг глобаллашув жараёнларида иштирок этишининг иккинчи мезони - жаҳонда ахборотлаштиришнинг ривожланиш суръатларини тезлашуви ҳамда янги техника ва технологияларни тарқалиши. Авваламбор Хитой бозор муносабатларига ўтиш жараёнида “билимлар иқтисодиёти”, янги техника ва технологияларни иқтисодий ўсишнинг биринчи манбаси деб ҳисоблайди. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Хитой ҳукумати амалда “давлат қурилишини фан ва таълим соҳасига таянган ҳолда” стратегиясини амалга оширмоқда. Хитой иқтисодий ўсишнинг инновацион стратегиясини шакллантириш ва амалга оширишга киришган.

Ушбу стратегиянинг асосий таркибий қисми илмий-техник тараққиётнинг давлат томонидан протекционистик қўллаб-қувватланиши ҳисобланади. 1998 йилда Хитой ижтимоий фанлар Академияси ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланган инновациялар лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу лойиҳанинг мақсади жаҳон иқтисодиёти ривожланиш даражасига, стандартларига мос келадиган илмий-техника натижаларига эришишнинг самарали инновацион механизмини яратиш ҳамда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Ушбу лойиҳани амалга оширилиши Хитой иқтисодиётини 2010 йилга келиб энг янги технологиялар соҳаси

бўйича рақобатбардошликда жаҳоннинг биринчи ўнлигидаги мамлакатлар каторига қўшилиши имконини бериши лозим эди.

ХХРнинг ташқи иқтисодий сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг, шунингдек унинг жаҳондаги иқтисодий таъсири ўсишининг принципиал муҳим омили ҳисобланади. 2001 йил ноябрда УСТга қўшилиш Хитой ташқи савдоси ривожланишининг асосий ижобий натижасидир. Бу, ўз навбатида, хорижий ҳамкорларнинг ўз маҳсулотини Хитойга импорт қилишда божхона тўсиқларини ва чекловларни аста-секин олиб ташлашни келтириб чиқарди. Хитой нафақат жаҳон иқтисодиётига янада чуқур интеграциялашувга, балки УСТга қўшилишнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакат ташқи савдоси ривожланиши учун бу жараёндан муайян самаралар олишга эришмоқда.

ХХРнинг УСТга қўшилгандан сўнг ўтган даврдаги иқтисодий ривожланиши якунлари кўрсатишича, аввалданоқ жаҳон бозорида рақобатбардош эмас деб ҳисобланган айрим тармоқлар, масалан, автомобиль саноати, аксинча, янада жадал суръатлар билан ривожлана бошлади. Хусусан, 2002-2005 йилларда автомашиналар сотишнинг ўсиш суръатлари ХХР ички бозорида ўтган йилларга нисбатан 50%ни ташкил этди ва 1997 йилдаги 1,6 млн. ўрнига 2003 йилда 4,4 млн. автомобиль ишлаб чиқарилди.²¹

Товар бозорларига чиқиш имконияти тўғрисидаги музокаралар натижасида Хитой ўз зиммасига савдо тўсиқларини аста-секин олиб ташлаш ва хорижий товарлар учун бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтириш мажбуриятини олди. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ўртача тарифларнинг аста-секин 22%дан 17,5%га туширилишида намоён бўлди. Саноат маҳсулотлари учун тарифларнинг ўртача даражасини 8,7%гача тушириш назарда тутилади (ўзгаришлар амплитудаси 0%дан 47%гача – энг юқори ставка фотофильмлар, машиналар ва бутловчи қисмларга қўлланади). Хитой хизматлар соҳасида хорижий инвесторларнинг ўз бозорига босқичма-босқич кириб келишига эришди. Жумладан, суғурта соҳасида тижорат

²¹ <http://china.kulichki.net/>

таваккалчиликларини суғурта қилувчи, қайта суғурта билан шуғулланувчи, халқаро денгиз навигациясини, ҳаво ва бошқа транспорт суғуртаси, қайта суғурталаниши билан шуғулланувчи хорижий суғурта компаниялари УСТга киргандан сўнг 50%гача, уч йилдан кеч бўлмаган муддатдан кейин 51% акцияларга эгалик қилиш, 5 йилдан кеч бўлмаган муддатдан кейин 100%ли шўъба корхоналар ташкил этиш ҳуқуқи берилган.

Хитойнинг мажбуриятлари қаторига УСТга аъзо мамлакатлар томонидан 12 йил мобайнида, ушбу мамлакатлар бозорига Хитой товарлари импорти зарар етказиши мукин бўлганда ёки зарар етказганда Ўтиш ҳимоя режимини қўллаш имконияти ҳам киради. Бундан ташқари, аъзо бўлгандан кейин Хитой тўқимачилик ва кийим-кечак бўйича келишувнинг тўлақонли аъзосига айланади.

УСТга кирганидан сўнг Хитойга кўп томонлама, барқарор ва шартсиз энг қулай режим берилди, бу унинг ташқи савдосига ижобий таъсир кўрсатди. Хитой УСТга расмий аъзо бўлгандан сўнг АҚШ ва ЕИ Хитойга нисбатан бир қатор дискриминацион савдо чекловларини бекор қилишди. Масалан, АҚШ ва ЕИ Хитой тўқимачилик маҳсулотларининг умумий қиймати 4 млрд. АҚШ доллари бўлган 87 турига нисбатан импорт квотасини бекор қилишди. УСТга кириш Хитой корхоналарига ташқи савдо фаолияти ва ташқи иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш имкониятини яратди.

Хитойнинг УСТга кириши мамлакатга хорижий капитал келишини кескин ошириш имкониятини яратди. Бу инвестицияларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган қайта ишлаш саноати соҳаларига жалб этилди. 2002 йил январь-август ойларида мамлакатда хорижий капитал иштирокидаги янги 21470 корхона ташкил этилди, бу 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 31,4%га кўпдир. Хорижий инвестициялар 62,3 млрд долларни (142,42%), амалда фойдаланилган хорижий инвестициялар 34 млрд. долларни (125,5 %) ташкил этди. Жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг сифати сезиларли даражада ошмоқда. Биринчидан, юқори технологияларга инвестициялар умумий ҳажмнинг 22 фоизини ташкил қилади. Иккинчидан,

кенг миқёсли лойиҳаларга кўплаб инвестициялар киритилмоқда. Хорижий капиталнинг Хитой иқтисодиёти таркибий қайта қурилишига таъсири ортиб бормоқда. 2002 йилнинг биринчи ярмида хизматлар соҳасига 10,2 млрд. долл. хорижий инвестициялар жалб этилиб, уларнинг 6,2 млрд. доллари ўзлаштирилди. Марказий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилиш суръати мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори. 2002 йилнинг биринчи ярмида марказий ҳудудларга хорижий инвестициялар ҳажми 60%га ошди, уларнинг 42 фоизи ишлатилган.²² Шу билан бирга, бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жаҳон бозорида чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар рақобатбардошлигининг пастлиги шулар жумласидандир. Ривожланган мамлакатлар томонидан турли техник ва экологик тўсиқлар қўйилганлиги туфайли Хитой балиқчилик ва чорвачилик маҳсулотларининг Европа бозорларига экспорти камайди, Японияга экспорти бир қатор қийинчиликларга дуч келди.

Аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовут ошади. 2002 йилнинг биринчи ярмида аҳоли даромадлари жадал ўсган бўлсада, шаҳарларда даромад қишлоқ аҳолисиникига нисбатан 12% тезроқ ўсган. Бу охириги йилларда аҳоли даромадларидаги тафовут муаммосини кескинлаштиради. 2002 йил январь-август ойларида шаҳарларда истеъмол товарлар савдоси 9,9%га, қишлоқларда эса 6,6%га ошган. Деҳқонлар даромадларининг секин ўсиши муаммосини ҳал қилиш лозим. Бу талабни ўстириш ва таркибини яхшилашга тўсиқ бўлиши мумкин.

Келгусида Хитойнинг жаҳондаги иқтисодий таъсири кўламли глобаллашувнинг ривожланиши ва унинг жаҳон хўжалик алоқаларига кенгроқ қўшилиши билан янада ортиб боради. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Хитойда иқтисодий ислохотлар натижасида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми жиддий ўсмоқда ва уларнинг амалга оширилиши учун ички бозор кўлами, мамлакат аҳолиси сонининг 1978 йилдаги 962 млн.дан 2003 йилда 1,3 млрд.гача ошишига қарамай, торайиб бормоқда. Бунинг учун

²² Семёнов К. А. Международные экономические отношения. Учебник для вузов. – М., ЮНИТИ – ДАНА, 2003 г.

Хитой хорижда сотиш бозорларини кенгайтириши керакки, у буни охирги ўн йилликда фаол, УСТга қўшилгандан сўнг янада фаол амалга оширмоқда.²³

Глобаллашув шароитида Хитой ташқи иқтисодий сиёсати ва ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири - бу хорижий инвестицияларни жалб қилишдир.

Хитойга кириб келаётган хорижий инвестициялар миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Бунда тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил қилади. 2002 йилда тўғридан - тўғри инвестицияларнинг ҳажми 50 млрд. долларни ташкил этган эди. Турли башоратларга қараганда, 2006 йилдан 2012 йилгача Хитой иқтисодиётига инвестицияларнинг йиллик миқдори 100 млрд. долларга етади.

Хитой хорижий инвестициялардан турли йўналишларда ва шаклларда фойдаланади. Уларнинг кириб келиш манбаларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи қарзлар, тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқа хорижий инвестициялар (халқаро лизинг, компенсацион савдо ва бошқалар). 1990-2001 йилларда Хитой 510,8 млрд. долл. хорижий капитални, шу жумладан 378 млрд. долл. хорижий инвестицияларни жалб қилди. 2002 йилда Хитой 55 млрд. долл. хорижий инвестициялардан фойдаланди ва жаҳонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича биринчи ўринни эгаллади. 2003 йилда хорижий инвестициялар жадал ўсиш тенденциясини сақлаб қолди ва шу йили хорижий ишбилармонларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми ҳам ортиб борди. 2003 йилда 41081 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларнинг сони 2002 йилга нисбатан 20,2% га кўпайди. Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми (шартномаларга кўра) 115,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва 2002 йилга нисбатан 39,0% га ўсди. Амалда фойдаланилган инвестициялар ҳажми 56,5млрд. долл.ни, ўсиш 1,4% ташкил қилди.²⁴

²³ Иванов С. Промышленная политика Китая: очередное достижение // Ж. Экономист. №1.2006г. с.52-57

²⁴ <http://www.allchina.ru/>

2003 йил декабрь ойи охирига келиб 465277 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тасдиқланган бўлиб (шартномаларда белгиланган), хорижий инвестициялар ҳажми 943,13 млрд. долларни ташкил этди. Ушбу давр мобайнида 501,47 млрд. долл. ҳажмдаги хорижий инвестициялар амалга оширилди. 2003 йилда йирик инвестор мамлакатлар ва ҳудудлар - Сянган, Виргин ороллари, Япония, Корея Республикаси, АҚШ, Тайвань, Сингапур, Ғарбий Самоа, Кайман-Барк ва Германия ҳисобланади.

80-йиллар бошларидан эътиборан Хитой инсон, моддий, молиявий ресурсларни инфратузилма объектлари қурилишига жалб қилиб келмоқда. Бу эса хорижий инвесторларнинг турли лойиҳаларга қўйилмаларни амалга ошириши учун қулай инвестиция муҳитини яратишга имконият берди. Шу билан бир қаторда, ташқи иқтисодиёт соҳасида хорижий инвесторлар капитал қўйилмаларига ҳуқуқий база ва кафолатлар берувчи 500 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди. УСТ қоидаларига ва Хитойнинг мажбуриятларига мувофиқ, асосан ташқи иқтисодий фаолиятга тааллуқли қонун ва қарорларни тизимлаштириш ва уларга ўзгартиришлар киритиш жараёни асосан тугалланди. Умуман Хитойда хорижий инвестицияларни тартибга солувчи ҳуқуқий база шакллантирилган. ”Хитой ва хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар тўғрисида”ги, “Хитой ва хорижий капитал иштирокидаги кооперацион корхоналар тўғрисида”ги, “Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонунлар уларнинг асоси ҳисобланади. 2003 йилнинг охирига келиб жаҳоннинг 170 дан ортиқ мамлакатлари ва ҳудудларидан инвестициялар амалга оширилди. Хитой бозорига йирик халқаро консорциум ва трансмиллий корпорациялар ўз эътиборини қаратдилар ва жаҳондаги таниқли 500 та трансмиллий корпорацияларнинг 400 таси Хитойга ўз капитал қўйилмаларини амалга оширдилар.

Хитой ўз навбатида хорижий инвестицияларнинг йирик инвесторига ҳам айланиб бормоқда. 2002 йил охирига келиб Хитойнинг хорижга тўғридан-тўғри инвестициялари соф йиғиндиси 29,9 млрд. долларни ташкил этди. 2002

йилда Хитойдан ташқарида жойлашган корхоналар савдо-сотиғи ҳажми 77,2 млрд. долларга етди.²⁵

Хулоса қилиб айтганда, Хитой ташқи иқтисодий сиёсатида савдо балансини қўллаб-қувватлаш билан бирга рақобатбардошли соҳалар экспортини кенгайтириш, ташқи савдо таркибини яхшилаш ва хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш асосий ўринни тутди.

2.2 Хитойнинг ташқи савдони ривожлантириш сиёсати ва унинг натижалари таҳлили

Бошқа ривожланаётган мамлакатлардан фарқли равишда, Хитой сўнгги 20 йил ичида ўзининг ташқи савдо кўрсаткичларини ҳам, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ҳам яхшилашга эришди. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, айниқса савдо режимларини ва капитал операциялари ҳисобини кескин эркинлаштиришни амалга оширган мамлакатларда ташқи савдо балансининг ҳолати ёмонлашди ва иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди. Хитой эса айрим кичик мамлакатлар билан бирга умумий тенденцияга қарши йўл тутиб, импортга нисбатан экспортни жадал кенгайтириб борди, хорижий инвестицияларга таянмаган ҳолда ўсишни тезлаштирди. УСТга қўшилиш арафасида²⁶ Хитойда товарлар ва хизматлар савдоси ўн йиллик мобайнида ўртача жаҳон кўрсаткичларидан икки баравардан ортиқ суръатлар билан ўсиб борди. Ҳозирги вақтда унинг ҳиссасига жаҳон товар экспортининг қарийб 4 фоизи ва импортнинг 3,5 фоизи тўғри келади.²⁷

Хитой иқтисодиётининг замонавий хусусияти — унинг ташқи бозорга қарамлиги ҳисобланади. Жаҳон молиявий инқирозига қарамай, Хитой ташқи савдо ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда ХХР экспорт ҳажми бўйича дунёда 1-ўринни эгаллайди. Экспорт давлат валюта тушумларининг

²⁵ Китай, 2004, «Синьсин», КНР, Пекин, 164 бет.

²⁶ Хитой 2001 йил декабрда УСТга аъзо бўлди.

²⁷ Бу ерда Гонконг ва Макао махсус маъмурий ҳудудлари ҳамда Хитойнинг Тайвань провинцияси маълумотлари ҳисобга олинмаган.

80 %ни таъминлайди. Экспорт тармоқларда 20 млн киши ишлайди. Ташқи бозорга саноат ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 20 % етказилади. Экспорт номенклатураси 50 минг номланувчи товарлардан иборат.

1978 йилда иқтисодий ислохотлар бошланган даврда Хитой ташқи савдо ҳажми атиги 20,6 млрд. долларни ташкил этарди. Бу кўрсаткич бўйича у 32-ўринда туриб, унинг умумжаҳон савдосидаги улуши 1%га ҳам етмасди. 2010 йилда Хитой ташқи савдо айланмаси 2974 млрд. долларга етди, яъни 1978 йилга нисбатан 143 марта ўсди, ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръати – 16,8%ни ташкил қилди. Бунда экспорт ҳажми 1577,8 млрд. долларни, импорт ҳажми 1396,2 млрд. долларни ташкил қилди (6-жадвал).

6-жадвал. 2010 йилда Хитойнинг ташқи савдо кўрсаткичлари, млрд.

	долл		
	млрд. АҚШ долл	Жаҳон ҳажмидаги улуши, %	Ўртача йиллик ўсиш суръати, %
Ташқи савдо	21766	2974,0	10
Экспорт	17,2	1577,8	10,4
Импорт	16,4	1396,2	9,1

Манба: <http://www.allchina.ru/>

Хитойнинг жаҳон савдосидаги ўрнига тўхталсак, унинг 1998 йилдаги жаҳон товар ва хизматлар савдосидаги улуши экспорт бўйича 3,4 фоизни ва импорт бўйича 2,5 фоизни ташкил этди. 1999 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 8,4 ва 7,5 фоизни, 2000 йилда эса 15,1 ва 15,2 фоизни ташкил этди. Ташқи савдонинг бундай муваффақиятли ривожланишида, албатта, ХХРнинг 2001 йил ноябрда УСТга қабул қилиниши ижобий роль ўйнади. 2002 йилда ХХР экспорти 22 фоизга кўпайди. Бугунги кунда Хитой жаҳон хўжалик тизимига юқори даражада интеграциялашган мамлакатлар жумласига киради. Хитой бозорининг ҳажми 300 млрд.долларни ташкил этади.²⁸

Унинг товар айланмаси (Сянганни ҳисобга олмаган ҳолда) 1980-1998 йилларда 8,5 баравар ўсди. Экспорт янада юқори суръатда – 10 баравар ўсди. 90-йилларда экспорт ўртача йиллик ўсиши 17 %га етди, бу Япония

²⁸ З.К. Раджабова, Мировая экономика. Учебник, М.: Инфра-М, 2006, с. 242.

ривожланиш тарихидаги 1953-1973 йилларда кузатилган “олтин” давр кўрсаткичларидан ҳам анча юқори кўрсаткичдир.

Хитой экспорти кўп мамлакатлардаги тегишли кўрсаткичлардан юқоридир, ҳамда фақат етакчи индустриал мамлакатлардангина ортда қолади. Бунда товарлар экспорти асосий қисмни ташкил этади, хизматлар экспортида унинг улуши жаҳон ҳажмининг 0,3 фоизга тўғри келади. Экспортга етказиб беришларда асосий ўринни майда ва ўртача корхоналар эгаллайди. Уларнинг етказиб беришлари мамлакат умумий экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

1980-2000 йилларда экспорт товар тузилмасида муҳим силжишлар рўй берди. Унда тайёр саноат маҳсулотлари улуши сезиларли ўсди ва хом ашё товарлар улуши камайди. Тайёр маҳсулотлар улуши Хитой экспортининг 2/3 қисмидан ортган (7-жадвал). Унда асосий ўринни енгил саноат маҳсулотлари ва қуйи технология товарлари (пахта газламалари, кийим, пойафзал, ўйинчоқлар) эгаллайди. Чинни буюмлар, пахта газламалари, табиий шойи, тўшаладиган гиламлар, туристик анжомлар экспорти бўйича мамлакат жаҳонда биринчи ўринда туради.

7-жадвал. Хитой экспорти тузилмаси, %

Товар гуруҳлари	1980	1990	1995	2000
Хом ашё товарлари	50.3	25.6	16.6	11.2
- озиқ-овқат	16.5	10.8	8.6	5.8
- нооziқ-овқат хом ашёлари	9.4	5.7	3.4	1.9
- ёқилғи	23.6	8.4	3.3	2.8
Қайта ишланган товарлар	49.7	74.4	83.7	88.8
- кимё	6.2	6.1	5.2	5.6
- енгил саноат, резина, металлургия товарлари	22.1	20.3	19.2	17.6
- кийим	-	11.0	19.6	
- машиналар, транспорт ускуналари	4.6	20.5	18.6	17.6

Манба: The chinese economy. Fighting, deepening reforms. World Bank. W. 1996. P.80; Statistical yearbook of China. 2001.

Машинасозлик ва электротехника маҳсулотларига экспортнинг 20 фоизи тўғри келади. Ушбу товарларнинг халқаро бозорларга кириб бориши сифатнинг юқори эмаслиги, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш

имкониятларининг етарли эмаслиги кабилар орқали камайиб кетмоқда. Жаҳон экспортида анча юқори миқдорий улушга оптика анжомлари (14 %), радиоприёмниклар (жаҳон бўйича етказиб беришларнинг 35 %и), идора жиҳозлари (9 %), металлни қайта ишловчи станоклар, кемалар ва телекоммуникация анжомлари (4-5 %) эгадир.

Айрим тармоқларнинг, айниқса пахта ва ипакчилик саноатлари (52 ва 65 %) нинг экспортга боғлиқлик даражаси анча сезиларли ҳолатда. Асосан ички бозор учун кимё саноати ишлайди – экспорт квотаси 5 %.

2003 йил ташқи савдо стратегиясида аввалги устуворликлар (илмий-техник янгиликлар асосида таркибий ислохатлар, бевосита хорижий инвестициялар, экспорт) сақланиб қолиши билан бирга ички хусусий талабни, шу жумладан, ишлаб чиқариш талабини ошириш, шунингдек УСТ бўйича мажбуриятларни бажаришга қаратилган иқтисодиётнинг молиявий ва саноат секторларини аста-секин либераллаштириш ва хусусийлаштиришга алоҳида эътибор берилди (8-жадвал).

8-жадвал. 2003 йилда ХХРнинг ташқи савдо айланмаси

	Млрд.долл.
Товар айланмаси	851,2
Экспорт	438,4
Импорт:	412,8

Манба: Китай - факты и цифры, 2004, «Синьсин», Пекин, 2005.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, ташқи савдонинг муваффақиятли ривожланишида ХХРнинг 2001 йил ноябрда УСТга қабул қилиниши ижобий роль ўйнади, 2002 йилдаёқ ХХР экспорти 22 фоизга кўпайди.

9-жадвал. ХХР ташқи савдо айланмаси, ЯИМга нисбатан, (%)

	1975	1980	1985	1990	1995	2000	2003
Ташқи савдо айланмаси	10,2	12,9	23,9	26,8	40,3	47,1	37,1
Экспорт	5,2	6,3	9,9	14,8	21	24,5	34,6
Импорт	5	6,6	14	12	19,3	22,6	39,9

Манба: Жаҳон банки маълумотлари. World Development Indicators, 2001.

Савдо динамикасининг ушбу юқори кўрсаткичлари Хитой жами экспортида ишлов берувчи саноат, асосан кўп меҳнат талаб қилувчи маҳсулот улушининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, бу кўрсаткич ҳозирги вақтда 90%ни ташкил этади. Бундан ташқари, Хитой техник сифимли маҳсулотни йиғувчи ишлаб чиқаришларда тобора фаолроқ иштирок этмоқда: ҳозирги вақтда телекоммуникация ускуналари ва компьютерлар унинг жами экспортининг чорагини ташкил этади. Экспортнинг айрим моддалари бўйича, шу жумладан йўл буюмлари, ўйинчоқлар, спорт товарлари, пойафзал ва нотўқимачалик тикув буюмлари бўйича жами жаҳон экспортининг 20 фоизи Хитой улушига тўғри келади. Бироқ, Хитой экспорт қилувчи сифатида ўз маҳсулотининг юқори фанталаблиги билан ажралиб турмайди, унинг тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, пойафзал ва маиший техника ишлаб чиқаришдаги рақобат устунликлари мустаҳкам эмас.

2005 йилда Хитой ташқи савдосининг ижобий сальдоси 3 баравар кўпайди ва 102 млрд.долл.ни, шу жумладан экспорт 28,4% га ўсди ва 762 млрд. долларни, импорт эса 17,6% га ўсди ва 660 млрд. долларни ташкил этди.²⁹

Ташқи савдо профицити 2005 йил декабридаги 11 млрд.долл.дан 2006 йил январиди 9,5 млрд. долл.га пасайди. Экспорт ҳажми 28%га ўсди ва 65 млрд.долл.ни, импорт ҳажми 25%га ўсди ва 55,5 млрд.долл.ни ташкил этди.

Хитойнинг 2006-2008 йиллардаги экспорт ва импортнинг динамикаси қуйидаги жадвалда акс этган.

10-жадвал. Хитой экспорт ва импортнинг динамикаси, ўтган йилга нисбатан %

	2006		2007		2008	
	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт	Экспорт	Импорт
Динамика	27,2	19,9	25,7	20,7	17,3	18,4

Манба: Economic and Social Survey of Asia and the Pacific-2009.

2005 йилда Хитой экспортининг товар таркибида саноат товарлари гуруҳи устунлик қилди. Уларнинг умумий экспорт ҳажми 712,96 млрд.


²⁹ <http://www.china.org>

долл.ни, шу жумладан, машина, техник маҳсулотлар етказиб бериш 426,75 млрд.долл.ни, юқори технологияли товарлар - 218,25 млрд.долл.ни, автомобиллар 1,9 млрд.долл.ни, пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар - 11,28 млрд.долл.ни, ип ва толалар - 41,13 млрд.долл.ни ташкил қилди.

График 1

Товар савдосининг маҳсулот таркиби, 1998 ва 2004

Фонзда



Манба: БМТСД, Comtrade database

11-жадвал. 2008 йилда Хитой экспорти таркиби

Товар гуруҳлари	Млн. долл.	Улуши %	Ўтган йилга нисбатан %да ўзгариши
Жаҳонда	1428869	100,0	17,3
электр асбоб ускуналар	342082	23,9	13,9
машиналар	268740	18,8	17,5
тўқимачилик маҳсулотлари	60590	4,2	-1,2
темир ва пўлат	53494	3,7	33,9
кийим кечак	52430	3,7	10,8
темир ва пўлатдан ясалган буюмлар	48344	3,4	31,7
оптик, фотографик, медицина ёки жаррохлик асбоблари ва аппаратлари ва улар учун қисмлар	43385	3,0	17,2
мебель	42786	3,0	19,0
ташиш воситалари (асосан автомобил қисмлари, мотоцикллар, юк ташиш машиналари, велосипедлар)	39316	2,8	23,4
ўйинчоқлар ва спорт анжомлари	32695	2,3	20,8

Манба: World Trade Atlas 2009.

Хитой хўжалиги ривожланиши учун импорт савдоси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Техника ва технологияга эга бўлиш қайта реконструкция қилинган корхоналарга замонавий маҳсулот ишлаб чиқаришда ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш ва техник ривожланишнинг янада юқори даражасига чиқиш имкониятларини беради. Баҳолашларга кўра, техника ва технология импорти ҳисобига саноат ишлаб чиқаришининг 60 %га ўсиши таъминланди.

Сўнгги йилларда импорт товар тузилмаси жиддий ўзгариб бормокда. Машина ва ускуналар импорти ўсиши эвазига хом ашё ва ярим фабрикатлар харид қилиш улуши камайди. Улар тегишли равишда 38 %ни ташкил этади (1980 йилда 53,1 %). ХХР четдан дон маҳсулотлари олиб келтирилишини жиддий равишда қисқартирди, ҳамда пахта, соя ва бошқа бир қатор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харидини тўлиқ тўхтатди, бунга эса мамлакатда ушбу маданий маҳсулотлар ҳосилининг ўсиши сабабчи бўлди. Шу вақтнинг

Ўзида четдан ёқилғи олиб кирилиши ҳам ошди (1980 йилда - 1 %, 1994 йилда - 4,5%), бироқ нефть ва нефть маҳсулотлари импорти нисбатан бир хил миқдордадир. Бу ишлаб чиқариш энергияталаблилик даражасининг икки баравар пасайтирилиши натижасидир. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган хом ашё товарлари: ўрмон ва ўрмон маҳсулотлари, каучук, целлюлоза-қоғоз товарлари импортига боғлиқлик муҳимлигича қолмоқда.

2005 йилда импорт таркибининг асосини ўз ичига 512,41 млрд.долларли машина ва асбоб-ускуналарни олувчи саноат маҳсулотлари ташкил этди. Хом ашё ва дастлабки ишловдан ўтган маҳсулотлар импорти 147,71 млрд.долл.ни ташкил этди ва бунда нефть сотиб олиш ҳажми 130,0 млн.т., нефть маҳсулотлари ҳажми 31,43 млн.т., таркибида темир мавжуд бўлган рудалар ҳажми 280 млн. т., ёғоч ҳажми 29,3 млн.куб.м., металл маҳсулотлари ҳажми 25,82 млн.т., ўғитлар ҳажми 13,9 млн.т., кимё маҳсулотлари ҳажми 77,7 млн.т.бўлди. 2008 йилдаги Хитой импорти таркибини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.


12-жадвал. 2008 йилда Хитой импорти таркиби

Товар гуруҳлари	Млн. долл.	Улуши, %	Ўтган йилга нисбатан %да ўзгариши
Жаҳонда	1131469	100,0	18,3
Электр машиналар	266639	23,6	3,5
Минерал ёнилғи, бензин ва бошқ.	168643	14,9	61,1
Машиналар	138707	12,3	11,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	85236	7,5	58,1
Оптик, фотографик, медицина ёки жаррохлик асбоблари ва аппаратлари ва улар учун қисмлар	77696	6,9	12,0
Пластмасса	48.841	4.3	7.8
Органик кимё маҳсулотлари	39.301	3.5	2.4
Мис ва мис маҳсулотлари	26.085	2.3	-4.0
Транспорт воситалари (асосан автомобил қисмлари., мотоцикллар, юк ташиш машиналари, велосипедлар)	26.941	2.4	21.8
Темир ва пўлат	24.520	2.2	6.6

Манба: World Trade Atlas 2009.

График 2
Товар савдоси йўналишлари, 1998 ва 2005

Фоизда



Source : БМТСД, Comtrade database; ва Хитойнинг Божхона статистикаси.

Ҳозирги вақтда Хитой жаҳоннинг 200 дан ортиқ мамлакатлари ва ҳудудлари билан ташқи савдо алоқалари олиб бормоқда. Етакчи саноати ривожланган мамлакатлар Хитойнинг асосий экспорт бозорлари (90%) бўлиб ҳисобланади, бироқ у шунингдек ўзининг минтақавий, энг аввало, Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал давлатлари билан савдо алоқаларини

мустаҳкамламоқда. Япония, АҚШ, Европа Иттифоқи, Сянган, АСЕАН, Корея Республикаси, Тайвань, Австралия, Россия ва Канада йирик савдо шериклари ҳисобланади. Хитой ташқи савдосининг ўсиши ушбу анъанавий бозорларга боғлиқ, бундан ташқари уларнинг улуши Хитой савдосининг умумий улушида ортиб бормоқда.

Уларнинг ичида АҚШ ва Япония етакчи экспорт бозорлари бўлиб қолмоқда. АҚШ харидлари ҳажми жиҳатидан ЕИ барча мамлакатларини кўшиб ҳисоблаганда икки барабар кўпроқдир. ХХР Америка бозорига тўқимачилик ва ўйинчоқ маҳсулотлар бўйича энг йирик етказиб берувчидир. АҚШда сотиладиган ўйинчоқларнинг 2/3 қисми ХХРда тайёрланган. Хитой экспорти саноати ривожланган мамлакатлар импорт харидларида кам улушни ташкил этади. Хитойнинг қайта ишлаш саноати товарлари ИХРТ мамлакатлари импортининг атиги 0,5 % ини ташкил этади.

2008 йилда Хитойнинг йирик савдо шериги ЕИ бўлиб, савдо ҳажми 425,9 млрд. долл.га етди. Иккинчи ўринни АҚШ эгаллаб, савдо ҳажми 333,8 млрд.долл.ни ташкил этди. Учинчи ўринни 266,8 млрд.доллар билан Япония эгаллади (13-жадвал).

**13-жадвал. 2008 йилда Хитойнинг асосий савдо ҳамкорлари
(млрд.долл.)**

Мамлакатлар	Жами савдо	Хитой экспорти	Хитой импорти	Хитой савдо баланси
ЕИ	425.9	293.0	132.9	160.1
АҚШ	333.8	252.3	81.5	170.8
Япония	266.8	116.2	150.6	-34.5
АСЕАН	231.0	114.1	116.9	-2.8
Гонконг	203.7	190.8	12.9	177.8
Жами Хитой савдоси	2.560.4	1.428.9	1.131.5	297.4

Манба: World Trade Atlas 2009.

АҚШ нинг Хитой билан савдосидаги дефицит фақат 2008 йилнинг ўзида 266,2 млрд.долл.га тенг рекорд суммани ташкил этди. Европа Иттифоқи учун бу кўрсаткич 247,6 млрд.долл.ни ташкил қилади. Шунга қарамай, Хитой АҚШ ва ЕИ га ўз маҳсулотлари экспортини, улардан импорт қилишни

чегаралаган ҳолда (АҚШ ва ЕИ га Хитой экспортининг 69 фоизи, импортининг атиги 20% фоизи тўғри келади), янада фаоллаштирмоқда. ХХР Тижорат вазирлиги маълумотларига кўра асосий 25та савдо шерикларига (шу жумладан АҚШ, Канада, Мексика, Бразилия, Австралия, Янги Зеландия, ЕИ, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Индонезия, Таиланд, Вьетнам, Малайзия, Филиппин, Жазоир, Саудия Арабистони, Туркия, Жанубий Африка, Миср, Нигерия, Кения) экспорт ҳажми Хитой экспорти умумий ҳажмининг 71,2%ини ташкил этади.

Жаҳон молиявий-инқирози Хитой ташқи савдосига салбий таъсир этди. Хитой экспорти ривожланган мамлакатлар талабининг пасайишига тез муносабат билдирди. Хусусан, инқироз бошланган йилнинг ўзидаёқ экспортнинг ўсиш суръати секинлашди - 2007 йилдаги 25,7 % дан 2008 йилда 17,3 % гача пасайди. (14-жадвал). 2008 йилда Хитой импорти ҳам ўтган йилга нисбатан 18,4 фоизгача пасайди (15-жадвал).

14-жадвал. Хитой ва Шарқий Осиё мамлакатларида экспорт динамикаси, 2002-2008 йй., ўтган йилга нисбатан %

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Хитой	22,4	34,6	35,4	28,4	27,2	25,7	17,3
Япония	2,5	13,3	20,4	6,0	8,0	9,9	10,0
Корея Республикаси	8,0	19,3	31,0	12,0	14,4	14,1	13,6
Гонконг (ХХР)	5,4	11,8	15,9	11,6	9,4	8,8	5,3
Тайвань	7,3	11,3	21,4	8,4	13,1	10,2	...
Сингапур	2,8	27,9	24,2	15,7	18,2	10,1	13,0
Малайзия	6,9	11,3	20,8	11,5	13,4	9,6	15,9
Индонезия	3,1	8,4	12,6	22,9	19,0	14,0	23,1
Таиланд	4,8	18,2	21,6	15,0	16,9	17,2	16,9
Филиппин	9,5	2,9	9,8	3,8	14,9	6,4	-2,9
Вьетнам	11,2	20,6	31,4	22,5	15,1	16,1	16,3

Манба: Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 174. World Economic Situation and Prospects-2009. N.Y., UN, 2009. P. 37.

**15-жадвал. Хитой ва Шарқий Осиё мамлакатлари ва ҳудудларида
импорт динамикаси, 2002-2008 йй., ўтган йилга нисбатан %**

	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Хитой	27,1	39,9	36,0	17,6	19,9	20,7	18,4
Япония	-4,4	13,3	19,1	17,1	12,3	7,0	22,9
Корея Республикаси	7,8	17,6	25,5	16,4	18,4	15,3	22,0
Гонконг(ХХР)	3,3	11,7	16,9	10,5	11,6	10,0	5,7
Тайвань	5,0	13,1	32,1	7,9	11,2	8,2	...
Сингапур	0,4	17,1	27,4	15,3	19,1	10,2	21,5
Малайзия	8,2	4,4	26,4	9,2	14,7	12,0	9,5
Индонезия	2,8	10,9	28,0	37,4	6,3	14,9	31,3
Таиланд	4,6	17,4	25,7	25,9	9,0	8,7	27,6
Филиппин	18,7	3,1	8,0	8,0	9,2	7,2	-3,9
Вьетнам	21,8	27,9	26,6	15,0	22,7	21,9	37,0

Манба: Economic and Social Survey of Asia and Pacific-2009. N.Y., ESCAP, 2009. P. 174. World Economic Situation and Prospects-2009. N.Y., UN, 2009. P. 150.

2009 йилда Хитой умумий ташқи савдо ҳажми 2,21 трлн долларни ташкил этди, яъни 2008 йилга нисбатан 13,9% пасайди. Экспорт 1,2 трлн долларни, ўтган йилга нисбатан 16% паст кўрсаткични, импорт эса 1,01 трлн долларни, ўтган йилга нисбатан 11,2% паст кўрсаткични ташкил қилди. Савдо баланснинг ижобий сальдоси январ-сентябр ойларида 199 млрд. долларни ташкил қилди, яъни 2008 йилнинг мос даврига нисбатан 23,7 % пасайди.

16-жадвал. 2009 йилда Хитой экспорти ва импорти

	Умумий ташқи савдо		Экспорт		Импорт		Савдо баланси	
	Ҳажми, трлн долл	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %	Ҳажми, трлн долл	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %	Ҳажми, трлн долл	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %	Ҳажми, трлн долл	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %
2008	2,56	17,8	1,43	17,2	1,13	18,5	0,3	19,2
2009	2,21	- 13,9	1,2	- 16	1,01	- 11,2	0,2	- 23,7

Манба: World Trade Atlas 2009

2009 йилда Хитой умумий ташқи савдо ҳажми 2,21 трлн долларни ташкил этди, яъни 2008 йилга нисбатан 13,9% пасайди. Экспорт 1,2 трлн

долларни, ўтган йилга нисбатан 16% паст кўрсаткични, импорт эса 1,01 трлн долларни, ўтган йилга нисбатан 11,2% паст кўрсаткични ташкил қилди. Савдо баланснинг ижобий сальдоси январ-сентябр ойларида 199 млрд. долларни ташкил қилди, яъни 2008 йилнинг мос даврига нисбатан 23,7 % пасайди.

Хитойнинг асосий савдо шериклари ривожланган капиталистик мамлакатлар, энг аввало Япония, АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари бўлиб, уларга ташқи савдо айланмасининг 55 % тўғри келади (17-жадвал).

17-жадвал. 2011 йилда Хитой экспорти ва импорти бўйича асосий савдо шерикларининг улуши, %

Мамлакатлар	Улуши, %
Экспортнинг умумий ҳажми, млрд АҚШ долл	1 581
Экспортда мамлакатларнинг улуши:	
АҚШ	21,4
Гонконг	16,3
Япония	11
Жанубий Корея	4,6
Германия	4,3
Импортнинг умумий ҳажми, млрд АҚШ долл	1 204
Импортда мамлакатларнинг улуши:	
Япония	15,2
Жанубий Корея	11,6
Тайвань	11,2
АҚШ	7,4
Германия	4,6

Манба: World Trade Atlas 2012

Улар ичида АҚШ ва Япония яққол ажралиб туради. Япониядан 15 % дан ортиқ импорт келади. Хитойнинг хориждан машина ва ускуналар харидининг асосий қисми Японияга тўғри келади, бу эса Япония ҳукуматининг экспортни рағбатлантиришдаги фаол сиёсати билан изоҳланади ҳамда ўз навбатида Хитойга сезиларли экспорт кредитлари тақдим этилишини англатади. АҚШ юқори технология маҳсулотлари, самолёт ва электрон-ҳисоблаш техникаси етказиб беришда етакчилик қилади.

Хитойнинг ташқи савдо сиёсатини ривожлантиришнинг амалий тажрибаси ва унинг УСТга қўшилишининг ижобий натижаларини ўрганиш Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ислохотларига ва саноат, савдо сиёсатининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Хитой тажрибасининг кўрсатишича, савдо сиёсатида аввал юқори ва турли ҳимоялаш тарифлари қўлланган, сўнгра вақт ўтиши билан улар камайтирилган. Бошланғич босқичларда улар ўз савдо сиёсатининг асосий курули сифатида экспортга йўналтирилган маҳсулотни қайта ишлаш ҳудудларидан фойдаланишган ва шу орқали экспортни фаоллаштиришга ҳамда импорт қилувчилар рағбатларига энг юқори даражада яқинлаштирилган имтиёзларни экспорт қилувчиларга тақдим этишга ҳаракат қилганлар.

2.3. Хитойга хорижий инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари ва омиллари

Хитойнинг замонавий иқтисодий моделида ислохотларнинг энг муҳим омилларидан бири - бу хорижий инвестицияларни жалб қилишдир.

Хитойга кириб келаётган хорижий инвестициялар миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТХИ) хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил қилади. 2002 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажми 50 миллиард долларни ташкил этган эди.


Хитойга хорижий инвестицияларнинг кириб келиш манбаларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи қарзлар, тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқа хорижий инвестициялар (халқаро лизинг, компенсацион савдо ва бошқалар). 1990-2001 йилларда Хитой 510,8 млрд. долл. хорижий капитални, шу жумладан 378 млрд. долл. хорижий инвестицияларни жалб қилди. 2002 йилда Хитой 55 млрд. долл. хорижий инвестициялардан фойдаланди ва жаҳонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича биринчи ўринни эгаллади. 2003 йилда хорижий инвестициялар жадал ўсиш тенденциясини

сақлаб қолди ва шу йили хорижий ишбилармонларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми ҳам ортиб борди.

Хитой учун йирик инвестор мамлакатлар ва ҳудудлар - Сянган, Виргин ороллари, Япония, Корея Республикаси, АҚШ, Тайвань, Сингапур, Гонконг ҳисобланади.

Хитой 2004 йилда ТХИни қабул қилувчи энг йирик ривожланаётган мамлакат эди, дунёдаги АҚШ ва Бирлашган Қиролликдан сўнг учинчи ўринда турарди. Хорижий инвестициялар асосан ишлаб чиқаришда, айниқса юқори қўшилган қийматга эга ишлаб чиқаришда рағбатлантириларди.

График 3
ТХИнинг келиб чиқиши, 2000 ва 2004



Манба: Статистика Миллий Бюроси (2001 ва 2005), *China Statistical Yearbook*.

Хитой хорижий капиталга эга корхоналарга нисбатан паст-солиқ сиёсатини олиб боради. Айни пайтда, ишлаб чиқариш ва махсус вилоятларга инвестиция киритишга имтиёзли солиқлар тақдим этади.

Маҳаллий корхоналар учун даромад солиғи 33%, хорижий инвестицияларга эга корхоналарга қаерга инвестиция киритишига қараб 15% ва 24% белгиланган эди. Агар ишлаб чиқаришга инвестициялар ўн йилдан узоқ муддатга киритилган бўлса, у даромад келтиришни бошлагандан бошлаб икки йил солиқлардан озод этилади, кейинги уч йил эса 50% солиқ

имтиёзи берилади. Шунингдек, бу имтиёзлар юқори технолгияли саноат зоналарида ҳам тақдим этилади. Тижорат Вазирлиги (MOFCOM) ҳам ўзининг Инвестицияларни қўллаб-қувватлаш Агентлиги ва Хитойдаги Халқаро Инвестицияларни қўллаб-қувватлаш маркази орқали Хитойда хорижий инвестицияларни қўллаб қувватламоқда. MOFCOM, шунингдек интернет тармоғида ТХИлар ҳақида Инглиз тилида маълумотларни, Хитойнинг йиллик инвестициялар тўғрисидаги ҳисоботини чоп этиб келади³⁰.

Хитой 2007 йилнинг июль ойига қадар 115 та икки томонлама инвестицияларни химоя қилиш келишувини ва 86 та икки марта солиқ солинишини олдини олиш келишувларини имзолади.

Глобаллашув шароитида Хитой ТХИнинг асосий мўлжали бўлди, бунинг асосий қисми савдога йўналтирилган эди. ТХИ шунингдек бандликнинг асосий манбаи бўлди. Хитойда ТХИларнинг ЯИМдаги улуши 2002 йилда 3,9%га ўсган бўлса, 2003 ва 2004 йилларда пасайиб 3,3%га тушди. 2003 йилда хорижий сармояга эга корхоналар яратган қўшимча қиймат 1.117 млрд Юанни, жами ишлаб чиқаришда яратилган қийматнинг 27.2%ини ташкил қилди. Бошқа корхоналарга нисбатан хорижий сармояга эга корхоналар савдога кўпроқ йўналтирилгандир. 2007 йил хорижий сармояга эга корхоналарнинг экспорти 444.2 млрд АҚШ долл.ни, импорти эса 387.5 млрд АҚШ долл.ни ташкил этди. 2004 йил Хитой 5.5 млрд. АҚШ долл. хорижга сармоя қилиб чиқарди. Буни келтириб чиқарган асосий сабаб табиий ресурсларга, айниқса, нефть, газ ва қазилма ресурсларга талабнинг юқори даражада эканлигидир. Жумладан Хитой давлат корхоналари Индонезия, Қозоғистон, Судан, Яман каби мамлакатларнинг нефть саноатига, Бразилиянинг алюминий, пўлат саноатларига катта миқдорда инвестиция киритганлар.³¹ Шунингдек, Хитой корхоналари хорижий корхоналарнинг акция улушларини ҳам харид қила бошлаганлар. Хитойда иқтисодий ислохотларни ўтказишда, иқтисодиётини молиявий иқтисодий инқироздан

³⁰ MOFCOMнинг интернет тармоғидаги саҳифаси: <http://english.mofcom.gov.cn/>

³¹ Хитой статистика миллий бюроси маълумотлари. 2005 йил

чиқаришда янада қулай инвестицион муҳитини яратиш, ички ва ташқи инвестицияларни, молиявий ресурсларини, техника ва технологияларни жалб этиш асосий ўрин тутди.

18-жадвал. Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестициялари оқимлари

	2005	2006	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш
Лойиҳалар сони	44,019	41,485	-5.76
Ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар (млрд. долл)	72.41	69.47	-4.06

Манба: Ministry of Commerce (MOFCOM)

Хитойда 80-йиллардан бошлаб инвестицион механизмдаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий тузилмада катта силжишларга олиб келди. Авваламбор бу аралаш иқтисодиётни ва инвестициялашнинг умумий каналларини кенгайтирувчи мулк муносабатларини ислоҳ қилишга киради. Ҳозирги кунда Хитой таваккал инвестициялаш, техник янгиликларни киритишда ўрта ва кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш, илмий-техник мақсадлар учун давлат ва жамиятнинг инвестицияларини кўпайтириш ҳисобига фаол инвестиция сиёсатини ўтказишнинг механизмини такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Хитойда инвестициялар “халқ хўжалиги ва социал соҳанинг ривожланиши манфаатларида таълимнинг олдин ривожланишини” таъминлаши лозим деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирда инвестицион соҳа ва бутун молия тизимини ислоҳ қилишга иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, хўжалик объектларини реконструкция қилиш, фаолият юритиш ва и қурилишини инвестициялаш имкониятларини кенгайтириш учун муҳим эътибор қаратилмоқда. Катта ва ўрта давлат корхоналарини акциялаш, уларнинг хўжалик механизмларини фонд бозорларига меъёрланган чиқишлари ҳисобига трансформация қилиш, хорижлик инвесторлар билан биргаликда капиталлар киритиш, улушларда катнашиш долзарб йўналишлардан бўлиб қолмоқда.

19-жадвал. 1978-2008 йилларда асосий хорижий инвесторлар ва инвестициялар ҳажми (млрд. АҚШ долл.)

Мамлакат	1979-2008 йй. башоратланган умумий ўзлаштирилган тўғридан-тўғри инвестициялар		2008 йилда ўзлаштирилган тўғридан -тўғри инвестициялар		
	Микдори	%	Микдори	%	2007 йилга нисбатан %
Жами	852.6	100.0	92.4	100.0	23.6
Гонконг	341.0	40.0	41.0	44.4	48.1
Британиянинг Виржин ороллари	89.8	10.5	16.0	17.3	-3.6
Япония	69.3	8.1	3.7	4.0	1.8
АҚШ	64.0	7.5	2.9	3.2	12.5
Тайвань	47.6	5.6	1.9	2.1	-0.3
Сингапур	37.5	4.4	4.4	4.8	39.3
Жанубий Корея	31.8	3.7	3.1	3.4	-14.8

Манба: World Trade Atlas 2009.

Хитойга асосан Гонконг, Британиянинг Виржин ороллари, АҚШ, Япония, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань кабилар ўз инвестицияларини киритганлар.

Хитойда хорижий инвестицияларни тартибга солувчи ҳуқуқий база шакллантирилган. ”Хитой ва хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар тўғрисида”ги, “Хитой ва хорижий капитал иштирокидаги кооперацион корхоналар тўғрисида”ги, “Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар тўғрисида”ги Қонунлар уларнинг асоси ҳисобланади. 2003 йилнинг охирига келиб жаҳоннинг 170 дан ортиқ мамлакатлари ва худудларидан инвестициялар амалга оширилди.

Охири йилларда Хитой хорижий капиталдан фойдаланишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланмоқда: хорижий корхоналарни сотиб олиш ва қўшиб юбориш, таваккал инвестициялаш, инвестиция фондларини ташкил этиш.

Хитой инвестиция сиёсатининг муваффақиятларини таъкидлаган ҳолда, унинг юқори жамғариш нормаси ва инвестициялашга таянишини айтиб

ўтиш лозим. Инвестицион жараёнларининг изчиллигини таъминлаш учун ҳозирги шароитларда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

- юаннинг қатъий курси;
- юқори бўлмаган инфляция (10%дан ортиқ бўлмаган);
- инвестицион ресурслар сифатининг ошиши;
- замонавий техника ва технология, янги материалларни етказиб бериш;
- замонавий билимлар, каналли манбалар;
- горизонтал ва вертикал капитал қўйилмалари.

20-жадвал. 2011 йилда Хитойнинг бошқа давлатларга киритган инвестициялари ҳажми (млн. долл.)

Мамлакат	ТХИ ҳажми	Умумий тўпланган ТХИ ҳажми
Гонконг	13732	68781
Кайман ороллари	2602	16811
Британиянинг Виржин ороллари		
АҚШ	196	1881
Австралия	532	1444
Сингапур	398	1444
Россия	478	1422
Канада	1033	1255
Жанубий Корея	57	1214
Буюк Британия	567	950

Манба: World Trade Atlas 2012.

Хитой асосан Гонконг, Кайман ороллари, Виржин ороллари, АҚШ, Австарлия, Сигапур, Россия Федерацияси, Канада, Жанубий Корея, Буюк Британияга ўз инвестицияларини киритган.

Охирги йилларда хорижий сармоялар кириб келиши борасида географик ҳолатда ўзгаришлар юз берди. ЮНКТАД маълумотларига кўра, Хитойда жойлашган 217 млрд. долларлик бевосита хорижий инвестицияларнинг 130 млрд. доллари ёки 60 фоизи этник хитойликларга тегишлидир.

Ҳозирги кунда Хитойдаги бевосита хорижий инвестициялар динамикаси кўп сонли майда лойиҳалардан кам сонли йирик лойиҳалар томон силжиш

рўй бермоқда. Бу борада лойиҳаларнинг бир қатор технологик даражага эришганини кузатиш мумкин. Айни пайтда трансмиллий компаниялар Хитойда корхона очар эканлар, уларнинг таркибида янги технологияларни ишлаб чиқарувчи бўлимлар очишга киришмоқда.

Жаҳон молиявий инқирози Хитойга хорижий инвестицияларни жалб қилишга жиддий таъсир кўрсатди. 2009 йилда уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан сезиларли қисқарди. Бироқ Хитой иқтисодиётининг тикланиш жараёнида чет эл инвестицияларининг барқарор ўсиши кузатилади. 2009 йил якунига келиб ХХРнинг чет эл валюта захираларининг умумий ҳажми 18,7 % га ўсиб, 2,015 трлн долларга етди. Бу ҳолат Хитойнинг жаҳон инқирозига қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини мустаҳкамлайди. Олтин захиралари (1,054 тонна) бўйича у бешинчи ўринга кўтарилди.

2009 йилда ХХР ташқи қарзи ҳажми 336,7 млрд. доллардан ортди, бу 2008 йилга нисбатан 10,13% паст кўрсаткичдир.

2-боб учун хулоса

ХХРнинг ташқи иқтисодий сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг, шунингдек унинг жаҳондаги иқтисодий таъсири ўсишининг принципиал муҳим омили ҳисобланади. 2001 йил ноябрда УСТга қўшилиш Хитой ташқи савдоси ривожланишининг асосий ижобий натижасидир. Бу, ўз навбатида, хорижий ҳамкорларнинг ўз маҳсулотини Хитойга импорт қилишда божхона тўсиқларини ва чекловларни аста-секин олиб ташлашни келтириб чиқарди. Хитой нафақат жаҳон иқтисодиётига янада чуқур интеграциялашувга, балки УСТга қўшилишнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакат ташқи савдоси ривожланиши учун бу жараёндан муайян самаралар олишга эришмоқда.

Глобаллашув шароитида Хитой ташқи иқтисодий сиёсати ва ислохотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири - бу хорижий инвестицияларни жалб қилишдир.

Хитойга кириб келаётган хорижий инвестициялар миқдори доимий равишда ошиб бормоқда. Бунда тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ташкил қилади. 2002 йилда тўғридан - тўғри инвестицияларнинг ҳажми 50 млрд. долларни ташкил этган эди. Турли башоратларга қараганда, 2006 йилдан 2012 йилгача Хитой иқтисодиётига инвестицияларнинг йиллик миқдори 100 млрд. долларга етади.

Хитой хорижий инвестициялардан турли йўналишларда ва шаклларда фойдаланади. Уларнинг кириб келиш манбаларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: ташқи қарзлар, тўғридан-тўғри инвестициялар ва бошқа хорижий инвестициялар (ҳалқаро лизинг, компенсацион савдо ва бошқалар).

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

3.1. Ўзбекистонда Хитойнинг ташқи савдони ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари

Ўзбекистоннинг халқаро савдога интеграциялашуvidан энг кўп фойда олиш учун халқаро тажрибадан фойдаланиш ва ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдони ривожлантириш тажрибаси намуна бўла олади. Ўзбекистон ва ХХР иқтисодиёт таркибида ҳам (ҳар иккала мамлакатда ҳам халқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳалар ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жараёнлари давом этмоқда, ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши, ташқи савдонинг нисбати катта, давлатнинг юқори тартибга солувчи роли, ишчи кучининг ортиқчалиги, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилганлик), ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш мақсадларида ҳам (экспортга йўналтирилган соҳаларни ривожлантириш, саноатлаштириш, истиқболли соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсати, ташқи савдони эркинлаштиришнинг ўхшаш муаммоларини ҳал қилиш) ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Ташқи савдони либераллаштиришда республикадаги ўтиш даври хусусиятларини эътиборга олиш ва унинг муваффақиятли ўтказган мамлакатлар тажрибасига таяниш лозим. Шунинг учун Ўзбекистон учун ривожланаётган давлатлар, жумладан Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдони либераллаштириш ва уни оқибатларини юмшатиш бўйича тажрибаси жуда қимматлидир.

Ўзбекистонда ҳам, ХХРда ҳам ташқи савдони либераллаштиришнинг устуворликларидан бири - бу экспортга йўналтирилганлик, экспортга йўналтирилган соҳалар салоҳиятини ривожлантиришдир. Ўзбекистон

халқаро савдода нисбий устунликларга эга бўлган иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга устуворлик бериш керак.

Ўзбекистоннинг рақобат устунликлари – унинг муваффақиятли экспортга йўналтирилган ривожланишининг асосидир. Ўзбекистон қуйидаги нисбий устунликларга эгадир: баъзи минерал хом ашёларнинг ташқи бозорда рақобатбардош бўлган бой саноат захиралари; кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун қулай, иссиқлик ва электрэнергияни тежаш имкониятини берадиган табиий-иқлим шароитлари; туризм ва йўлдош соҳаларни ривожлантириш имкониятини берадиган жаҳонда машҳур маданий-тарихий ёдгорликлар; юқори малакали, нисбатан арзон ишчи кучи; салмоқли илмий салоҳият ва амалий тадқиқотлар даражаси; ривожланган инфратузилма.

ХХРнинг ташқи савдони либераллаштириш бўйича тажрибасини мамлакатимизда қўллаш мумкин бўлган яна бир жиҳати – бу Ўзбекистоннинг рақобат устунликлари ўсишини кучли омили ва асосий шarti ҳисобланадиган соғлом рақобат муҳитини яратишдир. У ўз ичига қуйидагиларни олиши лозим:

- муайян соҳа иқтисодий субъектларига тенг имкониятлар яратиш (соҳалардаги қандайдир корхоналарга хом ашё олишда, импортда, солиқ имтиёзи ва бошқа имтиёзлар бермаслик) – ҳар қандай имтиёз бутун соҳага берилиши лозим;

- банкротлик жараёнини тезлаштириш орқали самарасиз фирмаларни тугатиш;

- ресурсларларнинг ҳаракатчанлигини ошириш, аввало банк тизими самарадорлигини кўтариш орқали моливий капиталнинг эркин ҳаракатини таъминлаш, шунингдек қайта тайёрлашни тезлаштириш орқали ишчи кучининг меҳнат унумдорлигини ошириш;

- монополиядан чиқариш – концернлар ва уюшмалар тизимларида юқори монопол нархлар сақлаб қолинмоқда, бу эса импорт қилишнинг

чекланганлиги билан технологик занжир бўйича нархнинг ошиши ва бутун иқтисодиётда юқори инфляция бўлишига олиб келмоқда;

- юқорида айтиб ўтилганидек, импорт томонидан рақобат ўсиши учун валюта тартибга солинишини эркинлаштириш.


Аммо рақобат устунликларига эга соҳаларни ривожлантиришда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар, яъни хом ашё эмас, балки динамик товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш лозим.

“Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узок истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир.”³² деб таъкидлайди Президентимиз И.А. Каримов.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. 2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 100,5 фоизни ташкил этиб, 26,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 111,6 фоиз ёки 13,1 млрд. АҚШ долларини, импорт эса 109 фоиз ёки 12,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этди³³. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди (2-расм).

³² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.

³³ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/



2-расм. Ташқи савдонинг ҳажми ва динамикаси (млн. долл.)³⁴

Диаграммадан кўринадикки, 1990-2012 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 33 марта, экспорт ҳажми 29,8 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикамиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.

Айни чоғда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида кўпчилик мамлакатларда экспорт ҳажми кескин қисқарди. Жумладан, 2009 йилда экспорт ҳажмларининг қисқариши Россия Федерациясида 44,2 фоизни, Украинада 48,7 фоизни, Қозоғистонда 47,7 фоизни ташкил этди.

2000-2012 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди. (21-жадвал).

Жадвалдан кўринадикки, 1990-2012 йиллар давомида экспорт таркибида пахта толасининг улуши 59,7 фоиздан то 9,6 фоизга қадар, яъни 6 баравардан кўпроқ қисқарди. Натижада экспортнинг хомашёга боғланиб қолиш муаммоси тўла барҳам топди. Аксинча, хизматлар экспортининг улуши 13,5 марта, машина ва ускуналар – 4,1 марта, кимёвий маҳсулотлар ва улардан

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

тайёрланган буюмлар – 2,5 марта, ёқилғи ва нефть маҳсулотлари – 2,2 марта, озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг улуши 1,7 марта ўсганлиги экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улушининг ошишига ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланишига замин яратди.

21-жадвал. Ўзбекистон экспорти товар таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2012 йилда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, шунингдек экспорт ҳажмини оширишга эришилди (22-жадвал). 2012 йилда ҳам экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хомашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ³⁵

³⁵ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

**22-жадвал. 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг
экспорт таркиби, млн.долл.**

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011йилга нисбатан (%) да)	натижага нисбатан (%) да)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металлар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
хизматлар	2314,2	130,6	17,6
бошқалар	1034,9	48,8	7,9

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жадвалдан кўринадики, 2012 йилда олдинги йилга нисбатан мамлакатимизда ёқилғи ва нефть маҳсулотлари экспорти деярли 1,8 марта, хизматлар экспорти эса 1,3 марта ошган. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти эса ўтган йилги даражадан деярли 2,3 марта камайган.

Лекин, республика иқтисодиёти ҳозирча ҳам ашё талаби ва таклифи қайта ишлаш саноати товарларига нисбатан паст эластик бўлганлиги туфайли тез ўзгариб турувчи жаҳон ҳам ашё нархларига кучли боғлиқ. Валюта тушумларининг ўзгариши, ўз навбатида, бутун макроиқтисодий ҳолатга таъсир кўрсатади. Ташқи шоклар, жумладан Осиё иқтисодий инқирози иқтисодиётни, жумладан экспортни диверсификациялаш заруриятини яна бир бор кўрсатди. Мамлакат иқтисодиёти қанча кўп халқаро ишлаб чиқариш-технологик занжирларига қўшилса, унинг таъсирчанлиги шунча камаяди ва ривожланиш салоҳияти ортиб боради.

Экспорт салоҳияти мамлакат иқтисодиётининг техник-технологик, сифат, нарх рақобатбардошлигининг ошиши билан боғлиқ. Амалга оширилаётган тадбирлар ва экспортга йўналтирилган дастурларнинг асосий

мақсади экспортнинг қиймат ҳажмини, биринчи навбатда, қайта ишланганлик даражаси юқори маҳсулотлар, илмталаб товарлар, технология ва хизматлар, яъни динамик товарлар ҳисобига кўпайтиришдан иборат. Биринчи босқичда экспортда оралиқ маҳсулотлар (бирламчи қайта ишланган маҳсулотлар) асосий бўлиши, кейинчалик эса юқори технологияли маҳсулотларнинг (машина ва ускуналар, маиший техника, компьютерлар, ярим ўтказгичлар ва ҳ.к.) улуши ортиши назарда тутилган.

Ҳозирги босқичда халқаро иқтисодий алоқалар интенсивлашуви хусусиятларидан бири - ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқотлар соҳаларида ихтисослашув ва кооперациянинг доимий чуқурлашуви ҳисобланади. Анъанавий савдо алоқалари шакли бўйича мураккаблашиб тобора турли мамлакатлардаги ҳамкорларнинг узок муддатли саноат ҳамкорлиги кўринишини олмоқда. Халқаро саноат ҳамкорлиги – жаҳон интеграция жараёнларининг асосий, энг динамик омилларидан биридир.

ХХРнинг Ўзбекистон учун энг қимматли тажрибаси - савдо режимини аста-секин УСТ талабларига мослаштирилишидир.

1994 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати УСТга расмий равишда республиканинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш истаги тўғрисида хат йўллади. УСТга аъзо бўлмаслик миллий қайта ишлаш саноатининг экспорт товарларини бошқа мамлакатлардаги савдо тўсиқларига дучор бўлишига олиб келиши мумкин. Аввало ривожланган мамлакатлардаги мавжуд нотариф тўсиқлар айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тери, тўқимачилик маҳсулотлари, кимё ва металлургия маҳсулотлари учун жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан энг қулай режим мақоми кафолатини олиш ва уни жаҳон мамлакатларининг кўпчилигига ёйиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон 42 та йирик савдо мамлакатларидан энг қулай режими мақомини олган. УСТга аъзо бўлгандан сўнг бу режим кафолатланади.

УСТга аъзо бўлиш Ўзбекистонга ривожланиш стратегиясини барқарор, УСТга аъзо мамлакатлар унинг экспорт товарларига дискриминациясиз, очик

муносабатда бўлишларини кафолотовчи муҳитда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Бу Ўзбекистонга ўзининг савдо ва инвестиция салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

Аъзо бўлиш жараёнида Ўзбекистон ХХРда юзага келган муаммоларга ўхшаш ташқи савдони либераллаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича масалаларни ҳал этиши лозим:

- валютани тартибга солиш. Бу шуни англатадики, УСТ валюта айирбошлаш бўйича, хусусий банклардаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағларидан фойдаланишдаги чеклашлар каби нотариф тўсиқларни олиб ташлаш масаласини кўтаради;

- импортни лицензиялаш. УСТ қимматбаҳо металллар ва тошлар (олтин ва кумушдан ташқари) импортини лицензиялашни бекор қилиш ҳамда лицензиялар битта маъмурий орган томонидан берилишини талаб қилади;

- экспортни лицензиялашга талаблар. УСТ унга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги экспорт божи ва солиқлардан ташқари ҳеч нарса билан тўсилмаслигини талаб қилади;

- махсус божлар. Республикада мавжуд божхона қонунлари алоҳида божлар ўрнатилиши ва қўлланилишини назарда тутди (товарлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар етказадиган даражада импорт қилинса ёки бошқа давлатларнинг дискриминацион ҳаракатларига қарши). Бу масалани УСТ талабларига мослаштириш учун Ўзбекистон биринчидан, бу божлар номини “ҳимоя божлари” деб УСТ атамаларига мос равишда ўзгартириши лозим. Асосийси эса - ушбу божлар қўлланиши мумкин бўлган аниқ вазиятларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши лозим;

- экспорт субсидиялари. ГАТТ келишувлари УСТ аъзоларидан бошланғич товарларнинг барчасидан экспорт субсидияларини олиб ташлашни талаб қилади. Аммо Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқарувчилар ва сезиларли миқдордаги экспортёрлар учун солиқ имтиёзлари ёки даромад солиғини тўлашдан озод

қилиш қўлланилади, бу эса УСТ аъзолари томонидан тақиқланган экспорт субсидиялари сифатида қабул қилиниши мумкин;

- инвестициялар. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга имтиёзлар ва молиявий рағбатлар берувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганки, улар УСТнинг савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги Келишувига мос келмайди.

ХХРнинг ташқи савдони либераллаштириш ва УСТга аъзо бўлиш тажрибасини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизнинг УСТга аъзо бўлиши миллий иқтисодиёт учун қандай натижаларга олиб келишини белгилаб олиш керак.

УСТга кирган барча мамлакатлар учун умумий қонуният шундан иборатки, рақобатчиларга нисбатан самарадорлик юқори бўлган соҳаларда экспорт ошади, рақобатчиларга нисбатан миллий иқтисодиёт самарадорлиги паст соҳаларда импорт ортади. Натижада, УСТга кириш миллий иқтисодиёт таркибига, экспорт ва импортни қопловчи соҳалар нисбатига босим ортиб, уни жаҳон иқтисодиёти шароитларига мослаштиради. Мослашиш жараёни айниқса, жаҳон иқтисодиёти конъюнктураси натижасида экспорт ва импорт таркибидаги номутаносиблик мавжуд иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатади.

Шу нарса аниқки, УСТга аъзо бўлиш ва ушбу ташкилот талабларини қондириш курсини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон ХХР тажрибасига асосланган ҳолда ислоҳ қилинаётган ва таркибий қайта қурилаётган иқтисодиётга эга мамлакатларни УСТ шартларини бажариш учун кўпроқ муддатга эга бўлиш имкониятидан фойдаланиб бу жараённи тезлаштирмаслиги лозим. Масалан, УСТга аъзо бўлиш музокаралари давомида Ўзбекистон ўзининг қуйидагиларга ҳуқуқини ҳимоя қилиши лозим:

- тариф ставкаларининг дифференциал даражаси, бунда баъзи товарларга божлар 30%дан ортиқ, бошқаларига бож белгиланмайди, божлар кейинчалик ХХРдаги каби аста-секин 5-7%гача пасайтирилади;

- жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги каби мамлакатдан камёб ва стратегик товарларни олиб кетишни чеклаш;

- қишлоқ хўжалиги учун субсидиялар сифатида компенсацион чоралар қўлланиши мумкин бўлмаган дотациялардан фойдаланиш.

Бундан ташқари, нотаиф чеклашларнинг соҳавий тизимлари ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим (масалан, техник стандартлар, санитария меъёрлари ва ҳ.к.), бу уларни бозорнинг кучсиз сегментлари, масалан, истеъмол товарлари сегментини ҳимоялаш воситасига айлантириши мумкин. Маҳаллий товарларни жаҳон бозорларига чиқариш учун ихтисослашган давлат ташқи савдо фирмалари тизимини кенгайтириш лозим: реклама, маркетинг ва ҳоказоларни ташкил қилишни ўз зиммасига олган давлат барча мулкчилик шаклларидаги миллий корхоналарга трансакцион харажатларни камайтириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш имкониятини яратади.

3.2. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш жараёнида Хитой тажрибасининг аҳамияти

Барчамизга маълумки, охириги йилларда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди ³⁶.

Саноат тармоқларидаги техник тараққиётнинг ривожланиш даражасининг меҳнат унумдорлиги ва фонд кўрсаткичларидан фойдаланган

³⁶ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 31 б.

ҳолда ялпи баҳоланиши қуйидагиларни кўрсатди: саноатнинг бошқа тармоқ ва секторларини ривожланишини таъминлаш учун хом-ашё секторининг салоҳиятини ошириш мақсадида инвестицион ресурсларининг катта қисмини унинг техникавий қуроллантиришга йўналтирилганлиги туфайли юқори даражага ёқилғи-энергетика, қора ва рангли металлургия тармоқларида эришилган; қайта ишлаш секторида – меҳнат ва капиталнинг энг юқори даражасига янги тармоқлар бўлмиш – автомобилсозлик ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришда эришилди.

Охирги йилларда саноат тармоғининг ривожланиши натижаларининг таҳлили кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари бозор шароитига мослашганлигини ва давлат кўмаги ёрдамида юқори самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, саноатда кузатилаётган ўсиш омиллари ва манбаларининг нобарқарор характерини кўрсатувчи муаммолар юзага келди. Улар ўзбек товарларининг жаҳон бозорига чиқишига тўсқинлик қилмоқда ва мамлактнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида жиддий муаммолар туғдириши мумкин. Юзага келган муаммолар саноат ишлаб чиқаришини сифат кўрсаткичларини оширишни талаб этади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади, нафақат ушбу иқтисодиёт секторида ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устивор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат. Стратегик йўналиш саноатни экспортга йўналтирилган таркибини вужудга келтириш ва экспортда хом-ашёга нисбатан чуқур қайта ишланган маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобланади. Бу мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб қилиш асосида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлаш вазифаларини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, машинасозлик, озиқ овқат ва енгил саноат тармоқларида шу жумладан,

машинасозлик ва хусусан, унинг озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун мақсадли технологик ёндашув лозим. Бу қўллаб-қувватлаб корхоналарнинг техник даражасини оширишга ва саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик тармоғи улушини оширишга олиб келади.

Саноатнинг рақобатбардошлигини оширишнинг стратегик йўналишларини амалга оширишда Хитойнинг очиқлик сиёсати, энг аввало, халқаро амалиёт талаблари асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни англатади. Ҳозирги вақтда Хитойнинг очиқлик сиёсати глобал характер белгиларига эга бўлмоқда. У мамлакатга хорижий инвестициялар кириб келишини ва хорижга Хитой инвестициялари олиб чиқилишини қўллаб-қувватлайди.

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омиллардан бири Хитой Халқ Республикаси миллий иқтисодиётини очиқлаштириш сиёсатидир. Хитой юқори даражада жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашган. У етакчи товарлар экспорт қилувчи сифатида дунёда 9-ўринни ва импорт қилувчи сифатида 11-ўринни эгаллайди. Хитой хиссасига глобал бевосита хорижий инвестицияларнинг деярли 10%и, шунингдек ривожланаётган мамлакатларга киритилган барча бевосита хорижий инвестицияларнинг 40%и (200.млрд. доллардан ортиқ) тўғри келади. Жаҳон инвестициялар бозорида унинг бундай катта улуши ўзига хос тушунтирилади. Хитой Халқ Республикаси иқтисодиётига хорижий сармоядорларнинг салкам 80 фоизи – бу этник хитойликлар (хуацяо) ҳисобланади. Хорижда яшовчи хуацяо Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг ярмидан ортиқ иқтисодий фаолиятини назорат қилади. Айни вақтда Хитойга бевосита чет эл инвестициялари ҳеч қачон жами хорижий америка инвестицияларининг 10 фоизидан ошмаган ва Европа Иттифоқи давлатларининг хорижий инвестицияларининг фақат 5 фоизини ташкил этади. Иқтисодиётини дастур таъминоти ишлаб чиқариш, янги материаллар ишлаб чиқариш, телекоммуникация саноати, биотехнология, соғлиқни сақлаш каби илғор соҳаларини ривожлантириш имкониятини берувчи технологиялар импорти

илмий-техника тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Пекиндан шимолда Хайдиан туманида жойлашган ва кўп сонли тадқиқот марказлари ва университетларга эга “Хитой Силикон водийси”га етакчи жаҳон мамлакатларининг технологик жиҳатдан энг илғор компаниялари интиломоқда. Бу соҳада ҳам Хитойга биринчи навбатда етакчи дунё университетларида таҳсил олган ва хорижда ишлаётган ўз фуқаролари ёрдам беради.

Чет эл инвестициялари ва технологиялар ХХР иқтисодиётининг сифат жиҳатдан ўсишига жиддий таъсир кўрсатади. Аҳолини такрор ишлаб чиқариш тури аста-секин ўзгармоқда, юқори малакали мутахассислар тобора кўпаймоқда. Мамлакат миллий хўжалигида таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда: қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, саноатни қайта таъмирлаш амалга оширилмоқда, Юқори технология тармоқлари (электроника, аэрокосмик саноат ва ҳ.к.) юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Замонавий ахборот технологиялари хитойликлар ҳаётига тобора фаол кириб бормоқда, Хитой интернет тармоғи эса фойдаланувчилар миқдори бўйича дунёнинг етакчи мамлакатлари даражасига яқинлашиб қолди.

Жумладан бундай хайрли ишлар Ўзбекистонда ҳам амалга оширилмоқда. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, жаҳон хўжалигини ривожлантиришда халқаро капитал миграцияси муҳим аҳамиятга эга, чунки у мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб

чиқарилаётган товарларнинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини, импортчи мамлакатлар техник салоҳиятини ўстиради ва мамлакатдаги бандликни оширади ³⁷.

Бироқ, юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда “... жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётнинг тикланиш ва ўсиш суръатларига таъсир кўрсатмоқда”³⁸.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди. Шу борада фақат ўтган йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти куриб битказилди.³⁹

3-расм маълумотларидан кўринадик, 2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг энг кўп улуши – 68,9 % нефт-газ тармоғига тўғри келади, кейинги ўринларда алоқа, ахборотлаштириш (6,9%), енгил саноат (3,3 %) тармоқлари туради.


Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари

³⁷ Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

³⁸ И.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012 йил, 4-бет.

³⁹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.



3-расм. 2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича улуши⁴⁰

Фаол инвестиция сиёсати яқин келажакда ҳам давом эттирилади. Президентимиз таъкидлаганидек, 2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуриимизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортиқ стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисmini жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.⁴¹

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

⁴¹ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

23-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2013 йил прогнози, миллион сўм
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	27 123 275
1.	Марказлашган инвестициялар:	6 691366
1.1.	Бюджет маблағлари	1 300 000
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	131000
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан: - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	1 876 750 921572 218243 623 500* 113 435*
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 632 833
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i>	1 750783 250560**
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	20 431910
2.1.	Корхона маблағлари	8 150655
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i>	3 236108 426300
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	4 563159
2.4.	Аҳоли маблағлари	4 481988

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.

Ушбу вазифаларни ва инвестиция дастурини амалга оширишда Хитойнинг чет эл инвестицияларини жалб қилиш тажрибасининг ижобий томонларини ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш кўл келиши мумкин. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Хитойнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг ижобий тажрибасидан ривожланаётган ўхшаш иқтисодий

тизимларда фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Хитойнинг ислохотлар ва модернизациялаш сиёсати миллий хусусиятлар, мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини эътиборга олган ҳолда қурилган. Бу сиёсат тадбирлари шундай кетма-кетликда назарда тутилганки, у биринчи навбатда иқтисодиётнинг энг қолоқ соҳаларини қамраб олган ва энг қисқа муддатда натижага эришиш имкониятини яратган.

2. Ислохотлар сиёсати мавжуд давлат ҳокимиятини сақлаб қолган ва бозор қонунчилигини такомиллаштирган ҳолда иқтисодиётнинг турли тармоқларини бозор муносабатларига аста-секин кириб боришини, янги нодавлат ва хусусий мулкчилик шакллари шакллантиришни назарда тутар эди. ХХР Конституциясига принципиал ўзгаришлар киритилиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан барча мулк шакллари тенглаштиради, давлат улар хавфсизлигининг кафолатчиси ҳисобланади.

3. Хитой ҳукумати иқтисодий ўзгаришларни аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

4. Мамлакатда барқарор молия-иқтисодий қонунчиликни ўрнатиш йўли танлаб олинган бўлиб, унинг асосида давлат, хусусий тадбиркорлар ва хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳисобга олиш ётади.

5. Бозор иқтисодиётининг глобаллашуви ва мулк ҳуқуқларининг халқаро ҳимояланиши талабларига мос келиш мақсадида Хитой қатор халқаро шартномаларни имзолаган бўлиб, улар УСТга қўшилиш учун ҳуқуқий замин яратди.

6. Хитойнинг очиқлик сиёсати, энг аввало, халқаро амалиёт талаблари асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни англатади. Ташқи савдо ислохоти амалга оширилди, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштириш бекор қилинди, божхона тўловларининг умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда.

3.3. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар илдизи қадим замонларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўли орқали ота-боболаримиз ўзаро тижорат билан шуғулланганлиги, фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилганликлари маълум.⁴²

Ўзбекистон Республикасининг Хитой билан халқаро иқтисодий муносабатлари барқарор ривожланмоқда. ХХР 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон мустақиллигини тан олди ва 1992 йил 2 январда иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Хитойга ташрифлари (1992, 1994, 1999, 2001, 2005 йиллар) муҳим роль ўйнади. Ушбу ташрифлар чоғида Ўзбекистон-Хитой давлатлараро муносабатлари асосини ташкил этувчи ҳужжатлар имзоланди. 1994 йил апрель ойида ХХР давлат кенгаши Бош вазири Ли Пэн, 1996 йил июль ойида ХХР Раиси Цзян Цзэмин ва 2004 йил июнь ойида ХХР Раиси Ху Цзинтао Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларнинг барча кўринишдаги мажмуини қамраб олади, дўстона, ўзаро манфаатли характерга эга. Шартномавий-ҳуқуқий базани қарийб 150 та мамлакатлараро ва бошқа келишувлар ташкил этади.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви шароитида Ўзбекистон-Хитой икки томонлама савдо алоқаларининг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида 1992 йил январда имзоланган савдо-иқтисодий

⁴² Мавлонов У., Махкамова Д. Ўзбекистон ва Хитойнинг қадимий алоқалари. // Жамият ва бошқарув. 2003, № 3.

хамкорлик тўғрисидаги келишувга мувофиқ мамлакатлар ўртасида энг қулай шароит режими ўрнатилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда қарийб 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, яъни 2010 йилдагига нисбатан 20 фоизга, дипломатик алоқалар ўрнатилган йиллар давомида эса 50 баравар ошди. Бугунги кунда Хитой товар айирбошлаш ҳажми бўйича Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари ичида учинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбек пахтасини харид қилиш, шунингдек, мамлакатингизга коммуникация асбоб-ускуналари ва суғориш техникалари етказиб бериш борасида эса энг юқори кўрсаткичга эга.

24-жадвал. Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги савдо айланмаси динамикаси (млн.долл)

	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Савдо айланмаси	367,1	485,5	698,0	748,7	1296,7	2064,9	2112,2	2572,4
Экспорт	101,5	228,3	356,6	314,4	257,4	396,2	456,6	556,7
Импорт	265,6	257,2	341,4	434,3	1039,3	1668,7	1655,6	2015,7
Сальдо	-164,1	-28,9	15,2	-119,9	-781,9	-1272,5	-1199	-1459

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Жадвал маълумотларига кўра 2011 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 2572,2 млн долларни (ўсиш 20 %) ташкил этди. Шундан экспорт - 556,7 млн.долларни, импорт – 2015,7 млн.долларни ташкил этди. 2011 йил натижаларига кўра Хитойнинг Ўзбекистон савдо айланмасидаги улуши 9,5% ни ташкил этади. Экспортда асосий ўринни пахта толаси (60,4%), неорганик кимй маҳсулотлари (10.6%), минерал ёнилғи ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари (7,8%) ва хизматлар (8,8%) эгаллайди.

Импортнинг асосий моддалари рангли металллар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар (44,1%), турли ускуналар (29,2%), транспорт воситалари(4,4%), пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (3,3%), оптик ускуна ва аппаратлар(2,5%), чой, кофе, зираворлар (2,3%) ҳисобланади.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва ХХР ўртасидаги ҳукуматлараро битимга кўра, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларини Яқин Шарқ ва Европа давлатлари билан боғлайдиган Тошкент-Андижон-Ўш-Эргаштонг-Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлини қайта қуриш бўйича олиб борилаётган ишлар Ўзбекистоннинг Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини кучайтиришга имкон яратса, ўз навбатида Хитой маҳсулотларини Европа бозорига чиқишини осонлаштиради.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ҳам давлатларимиз ўртасида транспорт масаласини жадал ҳал қилиш лозимлигини таъкидлаб, “бу муаммо – айрим масалаларнинг жадал ҳал қилинишида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Хитой орқали жанубий бандаргоҳлар, Япония яқинида жойлашган Шанхайга чиқиш бизнинг энг муҳим стратегик мақсадларимиздан биридир”, деган фикрларни билдиради.⁴³

Бугунги кунга келиб молиявий-инвестицион ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Молиявий ҳамкорлик доирасида Хитой ҳукуматининг фойсиз ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлари, Хитой Эксимбанкнинг экспорт кредитлари ҳисобидан ижтимоий соҳага оид ҳамда инфратузилмани ривожлантиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2000-2001 йилларда Ўзбекистонга умумий миқдори 230 млн. юанга тенг учта имтиёзли кредит берилди. Қатор Хитой компаниялари Ўзбекистонга электровозлар ва рельс мустаҳкамлагичлар етказиб бериш, Тошкент аэропорти йўлкаларини реконструкция қилиш, Орол бўйида сув таъминоти тизимларини барпо этиш бўйича йирик халқаро тендерларда ғолиб чиқишди.

2001 йилда Ўзбекистонга 450 млн. газ ҳисоблагичлар етказиб бериш бўйича шартнома, шунингдек 100 млн. юань (12 млн. доллар) миқдоридаги имтиёзли кредит ажратиш ҳақида ҳукуматлараро келишув имзоланди. Эришилган келишувга биноан “Ўзкимёсаноат” ДАК буюртмаси бўйича

⁴³ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон, 1998 йил.

Хитойнинг International Cooperation Co Ltd компанияси Қорақалпоғистон Республикасида 32,3 млн. доллар қийматга эга бўлган Қўнғирт сода заводи қурилишини тугатилди. Бу лойиҳани Хитой саноат-тижорат банки кредити ҳисобига молиялаштиради.

ШХТнинг 2004 йилдаги Тошкент саммитида Хитой ҳукумати номидан ташкилот аъзоларига 900 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли экспорт кредити ажратилиши эълон қилинган эди. Шу йилнинг 24 октябрь куни Пекинда Ўзбекистон учун умумий суммаси 610 млн. АҚШ долларига тенг бўлган кредит линиялари очиш шартлари тўғрисида Меморандум имзоланди. Бу Меморандумда кредитнинг қуйидаги шартлари белгиланган: кредит муддати - 20 йил, шундан 5 йили имтиёзли, фоиз ставкаси - йилига 2 фоиз, мажбурият учун воситачилик ҳақи - йилига 0,3 фоиз, бошқарув учун бир марталик воситачилик ҳақи - кредит суммасидан 0,3 фоиз, аванс тўлови - 5 фоиз.

Лойиҳа тақлифлари биргаликда кўриб чиқилгандан кейин Хитой томонидан 2005 йил октябрда умумий суммаси 505,2 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 12 та лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилган эди, шу жумладан:

240,4 млн. АҚШ доллари – нефть-газ тармоғи учун 3 та лойиҳа;

93,3 млн. АҚШ доллари – коммунал соҳада 3 та лойиҳа;

65,9 млн. АҚШ доллари – мелиорация ва ирригация соҳасида 3 та лойиҳа;

64,1 млн. АҚШ доллари – кимё тармоғи учун 1 та лойиҳа;

29,5 млн. АҚШ доллари – электротехника тармоғи учун 1 та лойиҳа;

12,0 млн. АҚШ доллари – телекоммуникация соҳасига 1 та лойиҳа.

Тақдим этилган молиявий воситаларнинг умумий ҳажми 428,1 млн. АҚШ долларини, жумладан беғараз ёрдам доирасида 8,8 млн. АҚШ доллари, товар кредитлари линиялари бўйича 9,6 млн. АҚШ доллари, фоизсиз кредитлар 13,3 млн. АҚШ долларини, имтиёзли кредитлар 64,1 млн. АҚШ

долларини, тижорат кредитлари 32,3 млн. АҚШ долларини, экспорт кредитлари 300 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

2005 йилдаги Остона саммитида Хитой ҳукумати номидан Хитой томони кредитни ҳаётга татбиқ этишнинг янада имтиёзли шарт-шароитларини жорий этишга тайёр экани баён қилинган эди. Ҳозирги пайтга келиб бу кредит ҳаётга татбиқ этилди, дейиш мумкин. Ўзбекистон бу йўналишда 19 та лойиҳа ишлаб чиққан бўлиб, уларнинг умумий қиймати 196,6 миллион долларни ташкил этади.

Молиявий ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

1. Хитой ҳукуматининг юанларда тақдим этиладиган фоизсиз кредитлари ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш. 10,8 млн. долл ҳажмдаги 3 та лойиҳа амалга оширилган ва 6млн.долл. ҳажмида 1 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

2. Хитой ҳукуматининг юанларда тақдим этиладиган узок муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш. 51,66 млн. долл. ҳажмида 5 та лойиҳа амалга оширилган.

3. Кунғирот сода заводи қурилишини якунлаш учун НР саноат тижорат банкининг 29,24 млн. доллга тенг кредити.

4. ХХР Эксимбанкнинг умумий суммаси 300 млн. долл.га тенг экспорт кредити ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш. 211.7 млн.доллар ҳажмида 6 та лойиҳа амалга оширилган. 7,3 млн. долл.ли 2 лойиҳа амалга оширилмоқда.

5. ХХР ҳукуматининг ШХТ иштирокчи-мамлакатлари учун умумий суммаси 900 млн. долл.га тенг экспорт кредит линияси ҳисобига алоҳида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш.. Умумий миқдори 195,5 млн. долл га тенг 6 лойиҳа амалга оширилди ва оширилмоқда.

6. ХХР ҳукуматининг ШХТ иштирокчи-мамлакатлари учун янги имтиёзли кредит линиялари ҳисобига умумий суммаси 1200 млн.долл. тенг алоҳида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш. Амалга ошириш учун умумий суммаси 620.7 млн.долл. га тенг 17 лойиҳа тайёрланган.

2011 йилнинг охирига келиб Хитой томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоялар ҳажми тўрт миллиард АҚШ долларидан ортиди. Нефть-газ соҳасида сармоявий ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (СНПС) Орол денгизи акваториясида, Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона сармоявий блокларида геология-разведка ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кўшма лойиҳаларида Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки каби молиявий муассасалар фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатдики, кейинги 20 йил мобайнида Ўзбекистондаги Хитой корхоналари сони 400 тага кўпайди. Улар энергетика, транспорт, коммуникация, машинасозлик, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, молия ва бошқа соҳаларда фаолият юритишмоқда. 2010 йилда Хитой — Ўзбекистон газ қувурининг иккинчи тармоғи фойдаланишга топширилди. Урanni ўзлаштириш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган кўшма корхона ишга тушди. Хитой — Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигига Қўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Сирдарё вилоятидаги “Пэншэн” индустриал парки яққол мисол бўла олади. Хитой корхоналари Оҳангарон ҳамда “Андижон-2” ГЭСларини модернизация қилишда, “Тўқимачи — Оҳангарон” темир йўлини электрлаштириш лойиҳасини амалга оширишда иштирок этишди.

Хитой ва Ўзбекистон бозорлари ҳамда бошқа истиқболли бозорларга мўлжалланган юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур товарлар, бутловчи қисмлар ва аксессуарлар тайёрлаш бўйича кўшма корхоналар ташкил этиш ҳамкорликнинг муҳим йўналишига айланиши мумкин.

Энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳам катта имкониятларга эга. Ўзбекистон ҳудудининг қарийб 60 фоизидида истиқболли углеводород хомашё конлари бор. Очiq конларда аниқланган нефть ва газ захираси ҳажми 2

триллион тоннадан ортиқ шартли ёқилғини ташкил этади. Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ва чегарадош минтақаларга нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ экспорт қилади. Бир сўз билан айтганда, нефть-газ тармоғи ХХР компаниялари билан сармоявий ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир. Шу жиҳатдан И.А. Каримовнинг Хитойга ташрифи асносида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва Хитой миллий нефть-газ корпорацияси ўртасида қарийб 600 миллион долларлик тўғридан-тўғри сармоя киритиладиган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши мазкур йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим кадам бўлди. Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув ишларини ўтказишда иштирок этаётган хорижий сармоядорларга катта имтиёз ва преференциялар берилган.

Ўзбекистондаги фойдали қазилмаларни, жумладан қарийб 100 турдаги минерал хомашёга эга конларни биргаликда ўзлаштириш ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир. Ҳозир иқтисодиётда ушбу хомашёнинг 60 туридан фойдаланилмоқда.

Мавжуд минерал-хомашё захиралари фаолият юритаётган тоғ-кон мажмуаларини узоқ йиллар давомида иш билан таъминлашдан ташқари, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, қатор муҳим фойдали қазилмаларни ўзлаштиришни ташкил этиш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг янги босқичи сифатида Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳисобланади. Маълумки, Хитойда бу борада катта тажриба тўпланган. Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида "Навоий" эркин индустриал – иқтисодий зонасида (ЭИИЗ) умумий қиймати 14 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган бешта янги корхона очилди. Уларнинг барчаси замонавий, юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган ҳамда ички бозорда харидоргир ва жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш имконига эга. Хорижий

инвесторлар қаторига Хитой Халқ Республикаси билан бирга Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларнинг йирик компаниялари киради.

Ўзбекистон ҳукумати учинчи эркин индустриал зонани Хитой билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида ташкил этишни режалаштирмоқда. Ўзбекистон ҳукумати “2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари” тўғрисида қарор қабул қилди. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатда манфаатдор вазирлик ва идораларга, шунингдек, Жиззах вилояти ҳокимлигига 2013 йилнинг I чорагида, Хитой Халқ Республикасининг ваколатли органлари билан таъсис ҳужжатларини келишишни тугаллаш тўғрисида кўрсатма берилган.

Махсус зона Жиззах вилояти ва у билан туташ ҳудудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, уларнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун инвестициялар ва илғор инновацион технологияларни жалб қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

2012 йил 7 июнь куни Пекинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг кенгайтирилган мажлисида ШХТга аъзо мамлакатларнинг 2013-2015 йилларда террорчилик, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда ҳамкорлик дастурини имзолаш режалаштирилган бўлиб, ушбу ҳужжат мазкур таҳдидларни молиялаштиришга қарши ҳаракатни ҳам кўзда тутди.

Икки мамлакат раҳбарлари ташаббуси билан тузилган Ҳамкорлик қўмитаси ва унинг таркибидаги турли йўналишлар бўйича олти қуйи қўмитанинг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Нефть-газ ва нефть кимёси, кимё, тоғ-кон саноатида, транспорт ва логистика, машинасозлик, телекоммуникациялар соҳаларида сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш катта истиқболларга эга. Ўзбекистон ва ХХР “Ўзбекистон-Хитой” газ қувурини барпо этиш ва ундан фойдаланиш лойиҳасини амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу лойиҳа ХХРга узоқ муддатли асосда табиий газ етказиб бериш учун барқарор транзит йўлагини шакллантириш имконини беради.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва халқаро ташувларни ташкил этиш соҳасида муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, 2012 йилнинг 1 июлидан Навоий авиахаби ва Хитойнинг Тянжин авиация хаби ўртасида юк ташиш йўналиши очилади, парвозлар ҳафтасига 3 марта амалга оширилади. Шунингдек, яқин вақтда “Навоий” аэропорти билан Хитойнинг йирик саноат марказлари – Шанхай ва Гуанчжоу шаҳарлари ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилади, Урумчи-Тошкент йўловчи авиарейси очилади. Томонлар, шунингдек, Марказий Осиёдан Хитойга газ етказиб бериш қувватларини ошириш бўйича ҳам келишувга эришганлар.

Эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, Хитойдаги етакчи компанияларнинг Ўзбекистонда Юксак технологиялар саноат паркни ташкил этишдаги иштироки масалалари муҳокама қилинмоқда.

Томонларнинг маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантириш ҳар икки халқ манфаатларига хизмат қилади. Илм-фан ва таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда бошқа қатор йўналишларни қамраб олган 2010-2013-йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда.

3-боб учун хулоса

Ўзбекистоннинг халқаро савдога интеграциялашувидан энг кўп фойда олиш учун халқаро тажрибадан фойдаланиш ва ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдони ривожлантириш тажрибаси намуна бўла олади. Ўзбекистон ва ХХР иқтисодиёт таркибида ҳам (ҳар иккала мамлакатда ҳам халқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳалар ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жараёнлари давом этмоқда, ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши, ташқи савдонинг нисбати катта, давлатнинг юқори тартибга солувчи роли, ишчи кучининг ортиқчалиги, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилганлик),

ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш мақсадларида ҳам (экспортга йўналтирилган соҳаларни ривожлантириш, саноатлаштириш, истиқболли соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсати, ташқи савдони эркинлаштиришнинг ўхшаш муаммоларини ҳал қилиш) ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Хитойнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг ижобий тажрибасидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Хитойнинг ислохотлар ва модернизациялаш сиёсати миллий хусусиятлар, мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини эътиборга олган ҳолда қурилган.

2. Ислохотлар сиёсати мавжуд давлат ҳокимиятини сақлаб қолган ва бозор қонунчилигини такомиллаштирган ҳолда иқтисодиётнинг турли тармоқларини бозор муносабатларига аста-секин кириб боришини, янги нодавлат ва хусусий мулкчилик шакллари шакллантиришни назарда тутди.

3. Хитой ҳукумати иқтисодий ўзгаришларни аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

4. Мамлакатда барқарор молия-иқтисодий қонунчиликни ўрнатиш йўли танлаб олинган бўлиб, унинг асосида давлат, хусусий тадбиркорлар ва хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳисобга олиш ётади.

5. Бозор иқтисодиётининг глобаллашуви ва мулк ҳуқуқларининг халқаро ҳимояланиши талабларига мос келиш мақсадида Хитой қатор халқаро шартномаларни имзолаган бўлиб, улар УСТга қўшилиш учун ҳуқуқий замин яратди.

6. Хитойнинг очиқлик сиёсати, энг аввало, халқаро амалиёт талаблари асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни аниқлатади. Ташқи савдо ислоҳоти амалга оширилди, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштириш бекор қилинди, божхона тўловларининг умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Жаҳондаги энг йирик давлатлардан бири бўлмиш Хитой Халқ Республикасида сайёрамиз аҳолисининг 21%и яшайди. Хитой халқаро ҳамжамиятда ҳам катта нуфузга эга бўлиб, иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бугун бутун дунё Хитойнинг ХХІ асрдаги истиқболига жуда катта ҳайрихоҳлик ва ҳурмат билан қарамоқда. Бугунги кунда мамлакат нафақат ўз аҳолисини озиқ-овқат билан тўла таъминлаяпти, балки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт ҳам қиляпти.

Глобаллашувнинг ривожланиш жараёнида мамлакатлар ўз ташқи иқтисодий сиёсати стратегиясини барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадларининг ошиши, илғор технологиялар, саноатлаштириш, сармояларни жалб этишни тартибга солишни таъминловчи бозор механизмлари асосида шакллантиради. Ушбуларни амалга ошира олган ХХРдаги кенг кўламли ижобий натижаларга олиб келган асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатнинг ташқи дунёга босқичма-босқич интеграциялашуви;
- ислоҳ қилишнинг асосий усули сифатида иқтисодиётнинг бутунлай эркинлаштирилиши эмас, балки бозор муносабатларига босқичма-босқич, тажрибавий текширувлар билан ўтилиши;
- ислохотларнинг дастлабки йилларидаёқ турли мулкчилик шаклидаги, яъни жамоат, шахсий, хусусий, қўшма (хорижий шериклар иштирокидаги) хўжаликларнинг ривожлантирилиши;
- Ҳукумат миллий ва хорижий тажрибани ўрганиб, ислохотни ўзга кўрсатмалар бўйича эмас, балки мамлакат хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур, деган хулосага келди ва «хитойча хусусиятли социализмни қуриш» йўлига қатъий туриб олди.

Хитой Халқ Республикаси 90-йиллар охиригача иқтисодий ривожланиш моделининг характерли белгилари сифатида қуйидаги иккита муҳим хусусиятини кўрсатиш мумкин.

- Ривожланишнинг юқори суръатлари.

- Иқтисодий ўсишининг экстенсив характерининг устунлиги.

Хитой Халқ Республикаси иқтисодий ўсишининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ички истеъмол, ички талаб, мамлакат улкан аҳолисининг тез кўпайишига хизмат қилади. Ўсишнинг асосий манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат ресурслари;
- табиий ресурслар;
- барқарор жамғарма – сармоявий механизмни шакллантириш. Унинг асосида жамғариш ва сармоялашнинг юқори меъёрлари ётади (мамлакат янги ички маҳсулот структурасида сармоялар улуши учдан бир қисмига тенг бўлиб, АҚШнинг шу кўрсаткичидан икки марта кўп).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Хитой мисолида ривожланаётган мамлакатлар глобаллашув жараёнида иштирок этишдан энг кўп фойда олишлари мумкин ва бунда таваккалчиликларни эътиборга олиши лозим. Умуман олганда, Хитойда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: чуқур аграр ислохотларни ўз вақтида олиб бориш; фаол экспортга йўналтирилган сиёсат; иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ва бунинг натижасида иқтисодий ўсиш давлатга тегишли эмас, балки хусусий корхоналар ҳисобига таъминланиши; иқтисодий дастурлар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви маъмурий эмас, балки пировард натижалар (экспортнинг, меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг ўсиши ва ҳ.к.) билан боғланган кучли иқтисодий рағбатлар ёрдамида амалга оширилиши; иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йирик ҳажмдаги инвестициялар жалб қилиш дастурлари ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилиши деб ҳисоблаймиз.

“Иккита стратегик ўтишлар” концепцияси Хитойнинг кейинги макроиқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилаб берди. Бу стратегик ўтишлар:

- анъанавий режали иқтисодиётдан социалистик бозор иқтисодиёти тизимига;

- ўсишнинг экстенсив шаклидан интенсив шаклига ўтиш;

Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ўсишнинг янги моделига ўтиш шароитлари яратилган:

- замонавий ишлаб чиқаришнинг негизлари вужудга келтирилган;
- юқори малакали кадрлар шакллантирилмоқда;
- ИТТКИ соҳаси юқори суръатлар билан ривожлантирилмоқда;
- қулай инвестицион иқлим яратилган мамлакат хавфсизлигига ташқи

таҳдид деярли йўқ.

Глобаллашув шароитида Хитойнинг иқтисодий ривожланиш дастурининг муҳим йўналишларидан бири - бу мамлакатни жаҳон хўжалигига, шу жумладан халқаро савдо тизимига интеграциялашув стратегиясидир. Хитой 2001 йил ноябрда Умумжаҳон Савдо Ташкилоти (УСТ)га аъзо бўлиб кирди. Бу жараённинг тезлашишига унинг АҚШ билан муносабатларининг нормаллашуви анча ёрдам берди. УСТга аъзолик ХХР олдида янги имкониятлар очиш билан бирга мажбуриятларни бажариш вазифасини ҳам юклайди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда ҳозирги замон иқтисодий назарияси ва экспортга йўналтирилган тараққиётни тартибга солишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим. Бу жиҳатдан ривожланаётган мамлакатлар қаторида Хитой мамлакати алоҳида ўринни эгаллайди.

Миллий иқтисодиётнинг УСТ қоидалари ва шартларига мослашувининг бошланғич босқичида таваккалчиликлар ва харажатларни камайтириш учун Ўзбекистоннинг УСТга қўшилишининг оқилона стратегияси ўтиш даври босқичига хос талабларни ўз ичига олиши керак. Ушбу босқичда Хитойнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. ХХРнинг Ўзбекистон учун энг қимматли тажрибаси - савдо режимининг аста-секин УСТ талабларига мослаштирилишидир.

Ўзбекистонда ҳам, ХХРда ҳам ташқи савдони либераллаштиришнинг устуворликларидан бири экспортга йўналтирилганлик, экспортга йўналтирилган соҳалар салоҳиятини ривожлантиришдир.

Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувидан энг кўп фойда олиш учун халқаро тажрибадан фойдаланиш ва ташқи савдо салоҳиятини ривожлантиришнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдони ривожлантириш тажрибаси намуна бўла олади. Ўзбекистон ва ХХР иқтисодиёт таркибида ҳам (ҳар иккала мамлакатда ҳам халқ хўжалигини ислоҳ қилиш, соҳалар ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жараёнлари давом этмоқда, ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши, ташқи савдонинг нисбати катта, давлатнинг юқори тартибга солувчи роли, ишчи кучининг ортиқчалиги, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилганлик), ташқи савдо салоҳиятини ривожлантириш мақсадларида ҳам (экспортга йўналтирилган соҳаларни ривожлантириш, саноатлаштириш, истиқболли соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш сиёсати, ташқи савдони эркинлаштиришнинг ўхшаш муаммоларини ҳал қилиш) ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Хитойнинг замонавий стратегиясига аввалги устуворликлар (илмий-техник янгиликлар асосида тузилмавий ислоҳатлар, бевосита хорижий инвестициялар, экспорт сақланиб) қолиши билан бирга ички хусусий талабни, шу жумладан, ишлаб чиқариш талабини ошириш, шунингдек УСТ бўйича мажбуриятларни бажаришга қаратилган иқтисодиётнинг молиявий ва саноат секторларини аста-секин либераллаштиришга алоҳида эътибор берилади.

Хитой раҳбариятининг мамлакатни ривожлантиришга ёндашувидаги ўзгаришлар хусусий секторни кучайтиришга қаратилган. Миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида хусусий сектор корхоналарининг ўсиши 90-йиллар охирида қишлоқ хўжалигида бандликнинг $\frac{3}{4}$ қисми хусусий секторга, саноат ЯИМнинг 51 фоизигача хусусий бизнес томонидан назорат

қилишига олиб келди. Фақат хизматлар соҳасида унинг позициялари бирмунча заиф, яъни бу соҳа умумий маҳсулотнинг фақат 37 фоизи хусусий корхоналар томонидан яратилади. Хусусий сектор умуман олганда ЯИМнинг салкам 40 фоизини ишлаб чиқарилади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Хитойнинг ташқи иқтисодий сиёсатининг ижобий тажрибасидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Хитойнинг ислохотлар ва модернизациялаш сиёсати миллий хусусиятлар, мамлакатнинг геосиёсий ҳолатини эътиборга олган ҳолда қурилган.

2. Ислохотлар сиёсати мавжуд давлат ҳокимиятини сақлаб қолган ва бозор қонунчилигини такомиллаштирган ҳолда иқтисодиётнинг турли тармоқларини бозор муносабатларига аста-секин кириб боришини, янги нодавлат ва хусусий мулкчилик шакллари шакллантиришни назарда тутди.

3. Хитой ҳукумати иқтисодий ўзгаришларни аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

4. Мамлакатда барқарор молия-иқтисодий қонунчиликни ўрнатиш йўли танлаб олинган бўлиб, унинг асосида давлат, хусусий тадбиркорлар ва хорижий сармоядорлар манфаатларини ҳисобга олиш ётади.

5. Бозор иқтисодиётининг глобаллашуви ва мулк ҳуқуқларининг халқаро ҳимояланиши талабларига мос келиш мақсадида Хитой қатор халқаро шартномаларни имзолаган бўлиб, улар УСТга қўшилиш учун ҳуқуқий замин яратди.

6. Хитойнинг очиқлик сиёсати, энг аввало, халқаро амалиёт талаблари асосида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишни англатади. Ташқи савдо ислоҳоти амалга оширилди, валюта даромадлари ва харажатларини режалаштириш бекор қилинди, божхона тўловларининг умумий даражаси мунтазам ва босқичма-босқич пасайтирилмоқда.

Хитой-Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш стратегик шериклик, ўзаро манфаатдорлик асосида ва ҳамкорлик тамойилларида қурилишини мунтазам таъминлашга эътиборни кучайтириш керак. Кейинги йилларда ҳам ХХР бизнинг асосий савдо шерикларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Айниқса у Ўзбекистон импортида эгаллаб турган салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда икки мамлакат ўртасида савдо айланмаси 95.5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2011 йилга келиб 2572 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатларимизнинг бой хом ашё ва илмий интеллектуал имкониятлари муҳим инфраструктуравий лойиҳаларнинг самарали амалга оширилишига, ШХТ аъзолари манфаатларига мос савдо, инвестицион ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг кейинги ривожини учун мустаҳкам асос яратади. Биринчи навбатдаги муаммоларга минерал хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланиш, энергетика ва атроф-муҳит муҳофазасининг мувофиқлаштирилган сутруктурасини яратиш киради.

Хитой ва Ўзбекистон бозорлари ҳамда бошқа истикболли бозорларга мўлжалланган юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур товарлар, бутловчи қисмлар ва аксессуарлар тайёрлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамкорликнинг муҳим йўналишига айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Божхона тарифлари тўғрисидаги” Қонуни
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони. 13.04.2012.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПФ-4399-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги ПҚ 1731 сонли “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ-1604-сонли “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 апрелдаги

ПҚ–1092-сон «2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

11.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008.

12.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сонли “Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора–тадбирлар тўғрисида” Фармони

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

13. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

14. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

15.Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. //Халқ сўзи. 2010 йил 21 сентябрь

18.Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». - Т.:Ўзбекистон, 2009.

19.Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби». «Халқ сўзи», 2009 йил 14 феврал.

20.И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон, 1998 йил.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

21.Постановление Агентства по внешним экономическим связям, Министерства финансов, Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан от 11 ноября 2004 года №№ ЭГ-01/10-4238, СР/13-01/3-46/128, 01-02/20-35 «О внесении дополнений в Перечень стран, с которыми подписаны Соглашения о торгово-экономическом сотрудничестве с предоставлением режима наибольшего благоприятствования». Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 14 января 2005г. Регистрационный № 426-4.

IV. Асосий адабиётлар

22.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий қарорлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

23.G.G’. Nazarova, N.M.Salixova. Jahon iqtisodiyotining globallashuvi. O’quv qo’llanma. T.: TDIU, “Iqtisodiyot”, 2011. - 320 b.

24.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

25.Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

26.Б.Ю.Ходиев ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

27.Бергер Я.М. Экономическая стратегия Китая. – М.: ИД ФОРУМ, 2009. – 560 с.

28.Глобализация мирового хозяйства: учеб пособ. /Под ред. М.Н. Осьмовой. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 376 с.

29.Гладков И.С. Мировая экономика и Международные экономические отношения: учеб пособ. – М.: БИНОМ. Лабораторный знаний, 2009. – 341 с.

30.Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.

31.Селищев А.С., Селищев Н.А. Китайская экономика в XXI веке -.СПб., «Питер», 2004. 240 с.

32.Семёнов К. А. Международные экономические отношения. Учебник для вузов. – М., ЮНИТИ – ДАНА, 2003.

33.Чень Эньфу. Экономические реформы в Китае и России: цели, подходы и результаты. М., 2000.

V. Қўшимча адабиётлар

34.Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина – М.: Магистр, 2008.

35.Курбанов Д. Инвестиционная политика Китайской Народной Республики. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Т., 2002. 23с.

36.Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

37. Эпоха перемен. //Экономическое обозрение, 2011, №7-8 (141).

38.Г.Федяшева, Е.Орлова. Промышленность Узбекистана за годы независимости: от сырьевых отраслей к высокотехнологичному производству. //Бозор, Пул ва Кредит. 2011, №10 (173).

39.Н.Зуфарова. Халқаро муносабатларда савдо сиёсати ва унинг иқтисодий ривожланишга таъсири. //Иқтисодиёт ва таълим. 2010, №3.

40. Исамухамедов А. Ўзбекистон ва ШХТ мамлакатлари: экспорт ва импорт шарҳи. //Ҳамкор. Uz.2008, № 17.

41. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор. Uz.2008, № 17.

42. Ҳасанов Ш., Нурматов Н., Убайдуллаев О. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги янги халқаро шартномалари. //Ҳамкор. Uz.2008, № 16.

43. Иванов С. Промышленная политика Китая: очередное достижение //Ж. Экономист. №1.2006г. с.52-57

44.Бельчук А. Вновь об оценке реформ в Китае. //Мировая экономика и международные отношения. 2005. №4. с.86-93.

45.Михеев В. Китай: новые компаненты стратегии развития //МЭ и МО, 2004, №7.

46.Мавлонов У., Махкамова Д. Ўзбекистон ва Хитойнинг қадимий алоқалари. //Жамият ва бошқарув. 2003 , №3.

47.Сиражиддинов Н., Абдуразаков А. ВТО: создание, принципы и процедуры вступления. //Экономическое обозрение, 2003, №6, стр. 24.

48.Мавлонов У., Махкамова Д. Ўзбекистон ва Хитойнинг қадимий алоқалари. // Жамият ва бошқарув. 2003, № 3.

49.Анисимов А. Экономическое чудо по-китайски. //МЭ и МО, 2003 №6.

50.С.Ғуломов, Р.Назарова. Жаҳон иқтисодининг замонавий глобаллашуви. //Ҳамкор. 2002

51.Намозов К. Китай, ВТО и мировая экономика. //МЭ и МО, 2002 №11.

52.Гельбрас В. Импортозамещение и экспортная ориентация экономики

КНР. //МЭ и МО, 1999г., №2, с.99-103.

53.Илларионов А. Секрет китайского экономического «чуда». //Вопросы экономики, 1998., №4, с.14-26.

54.Китай: факты и цифры 2005, Пекин , «Синьсин» 2005г.

55. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник. – Т.: «Узбекистан». 2011.

56.Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2011.

57.World Economic Outlook. IMF.

58.UNIDO Industrial Development Report.

59.IMF.World Economic Outlook.

VII. Интернет сайтлар

60.www.gov.uz

61.www.mfer.uz

62.www.UzA.Uz.

63.www.review.uz

64.www.cer.uz

65.www.mfa.uz

66.www.wto.org

67.www.worldbank.org

68.www.federalreserve.gov


69.www.imf.org

70.<http://www.china.org>


71.[http:// www.stat.uz](http://www.stat.uz).

72.<http://www.countryreports.org>

Иловалар



1- расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси, млрд.долл.⁴⁴



2-расм. Мамлакатимизда 2012 йилда экспорт қилинган товар ва хизматларнинг таркиби

⁴⁴ Куйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

1-жадвал. 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркиби, млн.долл.⁴⁵

Экспорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011йилга нисбатан (% да)	натижага нисбатан (% да)
Жами:	13150,1	111,6	100
пахта толаси	1259,7	93,5	9,6
озиқ-овқат маҳсулотлари	878,4	44,1	6,7
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	764,8	91,2	5,8
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	4921,2	177,1	37,4
қора ва рангли металллар	1055,2	94,6	8,0
машина ва ускуналар	917,7	91,9	7,0
хизматлар	2314,2	130,6	17,6
бошқалар	1034,9	48,8	7,9

2-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг экспорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда⁴⁶

Экспорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Пахта толаси	59,7	27,5	9,0	9,6
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	13,2	6,7
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	2,3	2,9	5,6	5,8
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	18,5	37,4
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	7,4	8,0
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	6,7	7,0
Хизматлар	1,3	13,7	11,8	17,6
Бошқалар	9,4	30,2	27,8	7,9

3-жадвал. 2012 йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикасининг импорт таркиби, млн.долл.⁴⁷

Импорт таркиби	Жами		
	2012 йил учун	2011йилга нисбатан (% да)	натижага нисбатан (% да)
Жами:	12026,5	109	100
озиқ-овқат маҳсулотлари	1187,5	119,4	9,9
кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	1738,1	122,2	14,4
ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	875	90,2	7,3
қора ва рангли металллар	937,9	108,7	7,8
машина ва ускуналар	5461,3	109,3	45,4
хизматлар	730,3	130,1	6,1
бошқалар	1096,4	88,9	9,1

⁴⁵ http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

⁴⁶ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

⁴⁷ Манба: http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

4-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг импорт таркибининг йиллар бўйича динамикаси, фоизда⁴⁸

Импорт таркиби	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2012 йил
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	41,3	45,4
Кимёвий маҳсулотлар ва улардан тайёрланган буюмлар	9,7	13,6	13,3	14,4
Ёқилғи ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	8,1	7,3
Қора ва рангли металллар	10,2	8,6	8,1	7,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	12,4	9,9
Хизматлар	1,5	8,5	5,3	6,1
Бошқалар	14,5	17,8	11,5	9,1

5-жадвал⁴⁹

Хитойнинг асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар, 1998-05

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Номинал ЯИМ (млрд. Юан)	7,834.5 (8,440.2)	8,206.8 (8,967.7)	8,946.8 (9,921.5)	9,731.5 (10,965.5)	10,517.2 (12,033.3)	11,739.0 (13,582.3)	13,687.6 (15,987.8)	(18,232.1)
Номинал ЯИМ (млрд. АҚШ долл.)	946.3 (1,019.5)	991.4 (1,083.3)	1,080.7 (1,198.5)	1,175.7 (1,324.8)	1,270.7 (1,453.8)	1,418.3 (1,641.0)	1,653.7 (1,931.6)	(2,225.7)
Киши бошига ЯИМ (Юан)	6,038.0 (6,765.1)	6,551.0 (7,129.3)	7,086.0 (7,828.0)	7,651.0 (8,591.8)	8,214.0 (9,367.9)	9,111.0 (10,510.4)	10,561.0 (12,299.4)	(13,926.0)
Киши бошига ЯИМ (АҚШ долл.)	729.3 (817.1)	791.4 (861.2)	856.0 (945.6)	924.4 (1,038.0)	992.4 (1,131.8)	1,100.8 (1,269.8)	1,276.0 (1,486.0)	(1,700.0)
<i>(йиллик фоиз ўзгариши)</i>								
1978 йилга нисбатан иқтисодий фаолиятларга кўра ЯИМ								
Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик	3.5 (3.5)	2.8 (2.8)	2.4 (2.4)	2.8 (2.8)	2.9 (2.9)	2.5 (2.5)	6.3 (6.3)	(5.2)
Саноат ^a	8.9 (8.9)	8.5 (8.5)	9.8 (9.8)	8.7 (8.7)	10.0 (10.0)	12.8 (12.8)	11.5 (11.5)	(11.4) ^b
Қурилиш	9.0	4.3	5.7	6.8	8.8	12.1	8.1	..

⁴⁸ Қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 60-б; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

⁴⁹ Манба: Миллий Статистика Бюроси, Statistical Yearbook (2005); China Labour Statistical Yearbook 2002; БМТРД, Human Development Report; ва Хитой маъмурияти.

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
	8.3 (8.3)	7.7 (9.3)	8.1 (9.7)	8.4 (10.2)	8.7 (10.4)	7.8 (9.5)	8.3 (10.0)	(9.6)
Хизматлар Улгуржи ва чакана савдо, меҳмонхона ва ресторанлар	7.7	7.2	8.2	7.5	8.1	9.1	6.3	..
Транспорт, сақлаш ва алоқа	10.6	11.3	11.5	9.5	7.9	6.3	14.9	..
<i>(фоииз)</i>								
Асосий тармоқларнинг ЯИМдаги улуши								
Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик	18.6 (17.3)	17.6 (16.2)	16.4 (14.8)	15.8 (14.1)	15.3 (13.5)	14.4 (12.5)	15.2 (13.1)	(12.5)
Саноат ^a	42.6 (40.3)	42.8 (40.0)	43.6 (40.3)	43.5 (39.8)	43.7 (39.4)	45.2 (40.5)	45.9 (40.8)	(47.3) ^b
Қурилиш	6.7 (5.9)	6.7 (5.8)	6.6 (5.6)	6.6 (5.4)	6.7 (5.4)	7.0 (5.5)	7.0 (5.4)	..
Хизматлар	32.1 (36.5)	32.9 (38.0)	33.4 (39.3)	34.1 (40.7)	34.3 (41.7)	33.4 (41.5)	31.9 (40.7)	(40.3)
Улгуржи ва чакана савдо, меҳмонхона ва ресторанлар	8.4	8.4	8.2	8.1	8.1	7.9	7.4	..
Транспорт, сақлаш ва алоқа	5.3	5.4	6.0	6.1	6.1	5.7	5.6	..
Молия ва суғурта	6.0	5.9	5.8	5.7	5.7	5.5	..	..
Кўчмас мулк	1.9	1.9	1.9	1.9	2.0	2.0	..	..
Соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, спорт	4.3	4.4	4.6	5.0	5.2	5.1	..	..
Таълим, маданият, санъат	2.3	2.6	2.7	2.8	2.9	2.9	..	..
Давлат хизмати ва ижтимоий ташкilotлар	2.5	2.7	2.6	2.7	2.7	2.7	..	..
Бошқалар	1.6	1.7	1.6	1.6	1.7	1.6	..	..
Жами бандликда тармоқларнинг ҳиссаси								
Қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчилик	47.0	46.9	46.3	45.2	44.1	..	..	..
Тоғ-кончилик саноати	1.0	0.9	0.8	0.8	0.8	..	..	..
Ишлаб чиқариш	11.8	11.4	11.2	11.1	11.3	..	..	..
Электрэнергияси , газ, сув	0.4	0.4	0.4	0.4	0.4	..	..	..
Қурилиш	4.7	4.8	4.9	5.0	5.3	..	..	..
Хизматлар	23.3	23.1	23.8	23.9	24.7	..	..	..
Геология разведкаси ва сув сақлаш	0.2	0.2	0.2	0.1	0.1	..	..	..
Транспорт,	2.8	2.8	2.8	2.8	2.8	..	..	..

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
сақлаш ва алоқа								
Улгуржи ва	6.6	6.7	6.5	6.5	6.7	..	..	..
чакана савдо,								
меҳмонхона ва								
ресторанлар								
Молия ва	0.4	0.5	0.5	0.5	0.5	..	..	..
сугурта								
Кўчмас мулк	0.1	0.1	0.1	0.1	0.2	..	..	..
Ижтимоий	1.2	1.3	1.3	1.3	1.5	..	..	..
хизматлар								
Соғлиқни	0.7	0.7	0.7	0.7	0.7	..	..	..
сақлаш,								
ижтимоий								
ҳимоя, спорт								
Таълим,	2.2	2.2	2.2	2.1	2.1	..	..	..
маданият, санъат								
Илмий	0.3	0.2	0.2	0.2	0.2	..	..	..
изланишлар ва								
политехник								
хизматлар								
Давлат	1.6	1.5	1.5	1.5	1.5	..	..	..
агентликлари,								
партия								
агентликлари,								
ижтимоий								
ташкилотлар								
Бошқалар	7.2	7.0	7.8	8.0	8.5	..	..	..
<i>Memorandum</i>								
Ҳар 10000								
кишига								
талабалар сони								
Коллеж ва	27.3	32.8	43.9	56.3	70.3	86.3	142.0	..
университетлар								
Ўрта мактаб	..	..	..	697.0	733.0	763.0	788.2	..
Соғлиқни	..	..	..	403.6	442.5	511.10	..	..
сақлаш учун ҳар								
бир кишига								
ҳаражат (Юан)								
Кутилган яшаш	70.1	70.2	70.5	70.6	70.9	71.6	..	..
даври								
Гўдаклар ўлими	38	33	32	31	31	30	..	..
даражаси (ҳар								
1000 гўдакка)								

.. маълумот йўқ.

a жумладан, қончилик, ишлаб чиқариш, саноат, ва электрэнергияси, газ ва сув таъминоти
b жумладан, қурилиш.

Изоҳ: Қавс ичидаги маълумотлар 10 январь 2006 йилда Миллий Статистика бюроси томонидан
эълон қилинган, тузатиш киритилган, ЯИМ кўрсаткичларидир.

Хитойнинг макроиктисодий кўрсаткичлари (%)

	ЯИМ	Инвестициялар	Талаб	Соф экспорт	Баҳолар
1990	4.2.	2.4	2.5	232.6	3.1
1991	9.1	23.944.4	13.4	-7.9	3.4
1992	14.1	61.8	16.8	-46	6.4
1993	13.1	30.4	13.4	380.3	14.7
1994	12.6	17.5	30.3	144.1	24.1
1995	9	14.8	26.8	209.3	17.1
1996	9.8	8.8	20.1	-26.8	8.3
1997	8.6	13.9	10.2	230.7	2.8
1998	7.8	5.1	6.8	7.6	-0.8
1999	7.2	10.3	6.8	-32.8	-1.4
2000	8.3	13	9.7	-17.5	0.4
2001	7.3	16	10.1	-6.4	0.7
2002	8.1	26.7	8.8	34.6	-0.8
2003	9.1		9.1	6.2	1.2
2004	9.2		11.8	-0.1	3.2

Манба: “Чжунго цзинмаодаокан”, № 2, 2004

Хитой аъзо бўлган ташкилот ва келишувлар

Минтақавий келишувлар		Аъзо бўлган сана	Изоҳ
1	<i>Осиё-Тинч Океани иқтисодий Ҳамкорлиги (АРЕС)</i>	1991 Ноябрь	2004 йилдаги Хитой товар импортининг 67.8%и, экспортининг 70.2%и АРЕС аъзолари билан амалга оширилди. ТХИнинг 69.8%и ҳам АРЕС аъзоларидан келди. АРЕСда Хитой 2004 йил Майда кўриб чиқилди, ва Хитой иқтисодий ислохотларга талаблари ЖСТ ва АРЕС қоидалари асосланганлиги, аммо шунингдек, маъмурий, ҳуқуқий ва институционал ўзгартишларни амалга ошириш вақтни талаб қилиши ҳам тан олинди. 2001 йилда АРЕСнинг Business Travel Card (ABTC) тизимига қўшилди ва уни 2003 йил Ноябрьда ўзида таъсис этди.
2	<i>Осиё-Европа Учрашуви (ASEM)</i>	1996 Март	Биринчи ASEM кенгаши Бангкокда 1996 йилда Хитой, Япония, Корея ва ASEAN мамлакатлари (Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Таиланд, ва Виетнам), 15 ЕИ мамлакатлари ва Европа Комиссияси иштирокида ўтказилди. Ушбу кенгашдан мақсад тенглик асосида Осиё ва Европа ҳамкорлигини ва сиёсий, иқтисодий ва маданий диалогни ривожлантириш бўлди.
3	<i>ASEAN-Хитой эркин савдо келишуви (ACFTA)</i>	2002 4 ноябрь	ASEAN ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик иқтисодий, савдо ва инвестицион ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш, товар ва хизматлар эркинлаштириш ва такомиллаштириш, “очик” ва либерал инвестицион тизимни яратиш, иқтисодий ҳамкорликнинг янги жабҳаларини ихтиро қилиш мақсадида ўрнатилди. Икки томон ҳамкорликни асосий 5 йўналиш: кишлоқ хўжалиги, инсон ресурсларини бошқариш, информацион ва алоқа технологиялари, инвестиция ва Мекон дарёси бассейнини ривожлантириш соҳаларида олиб боришга келишдилар.
4	<i>Бангкок Келишуви</i>	2001 12 апрель	Бангкок келишуви 1976 йил ташкил топган бўлиб, унинг мақсади Осиё-тинч океани ривожланиётган мамлакатлари ўртасида имтиёзли савдони ташкил этиш бўлган. 2005 ҳолатида, бир қатор товарларга, жумладан, текстиль товарлари, тери ва тирик ҳайвонлар, қимматбаҳо тошларга тарифларни пасайтирдилар.
Икки томонлама келишувлар			
1	Яқин иқтисодий ҳамкорлик келишувлари (СЕРА)		
	<i>Хитой-Гонг Конг, Хитой; Хитой-Макао, Хитой</i>	29 июнь 2003 17 Октябрь 2003	Ушбу икки мамлакат билан босқичма-боқич тарифларни бартараф этиш жараёнини бошлади. 2006 йилгача улар тўла олиб ташланиши режалаштирилган эди.

2	Эркин савдо келишувлари (FTA)		
	<i>Хитой-Чили</i>	<i>18 ноябрь 2005</i>	Келишувга ички бозорларни товарларга очиб бериш, можароларни ғал қилиш каби масалалар киритилган. 2006 йилнинг II ярмидан тарифларни пасайтириш жараёни бошланди. Эркин савдо келишуви амалга кириши билан икки йил ичида Чили 74%, Хитой 63%га тарифларини пасайтириши керак бўлади.
3	Имтиёзли савдо келишувлари (РТА)		
	<i>Хитой-Покистон</i>	<i>Ноябрь 2003</i>	
4	<i>Хитой-Австралия савдо ва иқтисодий келишуви</i>	<i>24 Октябрь 2003</i>	Унга кўра, ҳамкорлик энергетика ва кончилик, текстиль, кийимлар ва пойафзал, қишлоқ хўжалиги, механик ва электроник маҳсулотлар, туризм, таълим, божхона, атроф муҳит муҳофазаси, инвестициялар инфор­мацион ва алоқа технологиялари, биотехнологиялар ва соғлиқни муҳофаза этиш, озиқ-овқат, интеллектуал мулк ҳуқуқлари масалаларида ҳамкорлик олиб борилади.
5	<i>Хитой-Янги Зеландия савдо ва иқтисодий келишуви</i>	<i>28 Май 2004</i>	